

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ

2016 № 4 (127)

1995 йилдан чиқа бошлаган

БОШ МУҲАРРИР:

Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шоюнус ГАЗИЕВ

Светлана АРТИКОВА

Қўчқор ТОҒАЕВ

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Замира ЭСОНОВА

Холмўмин ЁДГОРОВ

Файрат ХИДОЯТОВ

Азиз МИРЗАЕВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил 19 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0249-рақам билан рўйхатдан ўтган.

Республика Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2004 йил 17 декабрдаги 110/4-сонли қарорига асосан ҳуқуқий, илмий-амалий журнал ваколати берилган.

Босишга 19.09.2016 йилда топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй. Адади: 6160 нусха. Буюртма № 135.

МУНДАРИЖА

2. **Ш. ГАЗИЕВ**
Ислоҳот — инсон учун
7. *Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарорлари*
21. **Р. ТОШБОЕВ**
Дастлабки тергов устидан суд назорати институтини янада такомиллаштириш масалалари
24. **Ў. МУҲАМЕДОВ, Ф. ПРИМОВ,**
Тадбиркорлик фаолияти
28. **М. АШИРБАЕВА**
Давлат функцияларининг таснифи ва унинг аҳамияти
30. **Д. АНВАРОВА**
Хотин-қизлар ҳуқуқлари
32. **М. ЎРАЗАЛИЕВ**
Гиёҳвандликнинг салбий ижтимоий ҳодиса сифатидаги оқибатлари
34. *Умумий юрисдикция судлари судьяларининг Олий малака ҳайъатининг судьяларга малака даражалари бериш тўғрисидаги қарорлари*
37. *Суд амалиёти*

СОДЕРЖАНИЕ

47. **У. ТУХТАШЕВА**
О совершенствовании института судебного контроля над предварительным расследованием
51. **А. МИРЗАЕВ, Ю. ПУЛАТОВ**
Использование специальных понятий при расследовании преступлений в сфере информационных технологий
54. **С. НИЁЗОВА**
Вопросу ответственности за истязание приотягающих обстоятельствах

Шоюнус ГАЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

ИСЛОҲОТ – ИНСОН УЧУН

Суд-ҳуқуқ тизимидаги изчил ислоҳотлар шу мақсадга хизмат қилмоқда

"Биз бундан 25 йил олдин ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, аввало миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, ўзини оқламаган эски, мустабид тузумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислоҳотларга асосланган, бутун дунёда "ўзбек модели" деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширганимиз бугунги кунда биз танлаган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб бермоқда".

Бу фикрлар Президентимиз Ислон Каримовнинг 2016 йил 2 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида алоҳида таъкидлангани бежиз эмас. Бунинг амалий исботини ўтган тарихан қисқа даврда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида қўлга киритилган улкан марра ва ютуқларда, халқимиз ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганида яққол кўриш мумкин.

Истиқлол йилларида, хусусан, ҳокимият шохобчалари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазибаларининг родини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилди. Бугунги кунда ана шу эзгу ишлар ўзининг кутилган самарасини бермоқда.

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг ҳозирги босқичдаги муҳим йўналишларидан бири - қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш ҳақида фикр юритар эканмиз, Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ ислоҳотларнинг шу йўналишига катта эътибор қаратилаётганини айтиш зарур. Зеро, ҳар қандай демократик давлатда суд тизими инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган механизмнинг асосини ташкил қилади.

Юртимизда амалга оширилаётган суд-

ҳуқуқ ислоҳотларининг устувор йўналишларидан бири, бу - инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборат. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, суд - одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг родини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён. Бинобарин, айнан шундай ёндашув туфайли бу соҳадаги ишлар кўлами, миқдори ва самарадорлиги кейинги даврда ниҳоятда кенгайиб, янги босқичларга кўтарилаётир.

Мамлакатимизда жиноий-ҳуқуқий соҳани либераллаштириш борасидаги ислоҳотлар ҳақида гапирганда, жиноят-процессуал қонунчиликка киритилган ўзгартишларга мувофиқ тергов ва шахсни қамоқда сақлаш муддатлари қисқартирилганини таъкидлаш лозим. Шу билан бирга, кассация инстанциясининг тубдан ислоҳ қилингани ва суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилганини ҳам соҳадаги энг муҳим янгилликлар сифатида эътироф этиш ўринлидир.

Таҳлиллар жорий этилган ана шу янгилликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, суд фаолиятида сансалорликка

йўл кўймасликнинг муҳим кафолатига айланганини кўрсатмоқда. Куйидаги рақамлар, фикримизча, бу ўзгаришларнинг ҳаёти-миздаги амалий аҳамиятини яққол тасдиқлайди. Яъни, агар 2000 йилда суд хатоларининг деярли ярми назорат тартибида тuzатилган бўлса, 2016 йилнинг биринчи ярмида бундай ҳолатларнинг 90,3 фоизи апелляция ва кассация тартибида барта-раф этилган.

Ўз навбатида, 2014 йил 11 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ Фуқаролик процессуал кодексининг бир қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгартишларга кўра, энди апелляция шикоятни ёки протести бўйича тушган ишни судда кўриш муддати йигирма кундан бир ойгача узайтирилди. Бу ҳам биринчи инстанция судлари қабул қилган қарор устидан тушган шикоят (протест)ни кўриш жараёнида тарафларга ўз тушунтириш ва важларини далиллар билан асослантириб бериш, судга ишни ҳар томонлама ва атрофлича ўрганиб, адолатли қарор чиқариш имкониятларининг кенгайганидан далолат беради.

Истиқлол туфайли юртимиз ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига қарийб 15 йилдан буён, яъни 2001 йилдан бошлаб ярашув институти киритилган бўлиб, айна вақтда у самарали фаолият кўрсатмоқда. Ярашув институтининг талабига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмиш-ни содир этган шахс жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Бундан ташқари, кейинги даврда Жиноят кодексининг 661-моддасидаги ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишга оид моддалар доираси янада кенгайтирилди. Хусусан, Жиноят кодексига белгиланган "Сохта банкротлик", "Банкротликни яшириш", "Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш", "Қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш" каби жиноий қилмишлар ҳам ярашув институти таркибига киритилди.

Ярашув институти самарали қўллаш натижасида, ушбу институт амалиётга жорий қилинганидан буён эса 184 минг нафардан ортиқ шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди. Ҳақиқатан ҳам, мазкур

институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг бағрикенглик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлмоқда.

Давлатимиз мустақилликка эришганидан буён ўтган 25 йил мобайнида 26 марта амнистия акти эълон қилинди. Ҳар йили эълон қилинаётган амнистия актидан кўзланган мақсад - фақат маҳкумларни ёки билиб-билмай жиноятга қўл урган шахсларни жазодан озод қилиш эмас, балки улар туфайли жабр тортадиган ҳар бир оилани ва оила аъзолари, айниқса, ўсиб келаётган норасида ўғил-қизларнинг келгуси тақдирини ҳамда уларнинг келажагини турли салбий таъсир ва жиддий синовлардан ҳимоя қилишдан иборатдир.

Шу ўринда 2008 йилнинг декабрь ойдан эътиборан ишни судга қадар юритиш босқичида шахсларга ва маҳкумларга амнистия актини қўллаш ваколати ҳам судга ўтказилганига эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Яъни, шу тариқа мамлакатимизда амнистия актини қўллаш масаласи, жиноят процесси босқичидан қатъи назар, фақат суд томонидан ҳал этиладиган бўлди.

Зотан, бу муҳим қадам инсоннинг ҳуқуқ ва эркинларини суд томонидан ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтирди. Юқорида кўрсатилгани каби илғор чораларнинг киритилиши билан Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ нормаларининг замонавий стандарт ва талабларига жавоб берадиган жиноий жазоларнинг инсонпарвар ва либерал тизими яратилди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва янада инсонпарварлаштириш йўлида ўлим жазоси бекор қилинганига 10 йилдан ошди. Президентимизнинг 2005 йил 1 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги фармонида биноан, Ўзбекистонда 2008 йилнинг январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилди. Фармон қабул қилинган кундан бошлаб ўлим жазосига маҳкум этилган шахсларнинг биронтасига нисбатан жазо ижро этилмади. Бошқача айтганда, ўлим жазоси тўғрисидаги суд ҳукми ижро этилишига де-факто мораторий эълон қилинди.

Ҳозирда катта ижтимоий-сиёсий ва халққа-

ро аҳамиятга молик бўлган ушбу тарихий воқеа нафақат юртдошларимиз, балки дунё ҳамжамиятининг ҳам эътибори ва эътирофига сазовор бўлди. Чунки эндиликда юртимизда умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулудда жазо чораси бўлиб, фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жинояти учун тайинланади. Айни чоғда, бу жазо тури хотин-қизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга тўлмаган шахсларга ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан қўлланилмайди.

Бу, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистонда конституциявий қоидалар ҳаётга тўла татбиқ этилаётганининг яна бир ёрқин тасдиғидир. Нега деганда, Конституциямизнинг 24-моддасида: "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир", деб мустаҳкамлаб қўйилган бўлса, 13-моддасига кўра "инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият" ҳисобланади.

Бундай муҳим қадам, шунингдек, инсоннинг қадр-қимматини юксакка кўтариш, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўла таъминлаш, жамоатчилик онгу шуурига тарихан ўзбек халқига хос бўлган эзгулик тамойилларини чуқур сингдириш, Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро мажбуриятларининг самарали бажарилиши имконини берди.

Мамлакатимизда ўтган даврда дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилди. Бу борада "Хабеас корпус" институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши принципнол қадам бўлганини таъкидлаш айтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги Фармонида мувофиқ, 2008 йил 1 январдан эътиборан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар ваколатига ўтказилди. Шунингдек, 2007 йил 11 июлдаги "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судлар томонидан амалга оширилишига оид қонунчилик асослари яратилди.

Муҳими, бугунги кунда суриштирув, дастлабки тергов ва суд жараёнида "Хабеас корпус" институти самарали қўлланилаёттир. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлатимиз раҳбари томонидан "Хабеас корпус" институти қўлланилиши доирасини кенгайтириш мақсадида судга қадар иш юритув босқичида қўлланилган лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш таклиф этилди. Бу, шубҳасиз, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларини самарали таъминлашга қаратилган ислохотларнинг узвий давоми ҳисобланади.

Шу тариқа Президентимиз томонидан тақдим этилган ушбу Концепция таъбир жоиз бўлса, суд тизими ислохотларида янги даврни бошлаб берди. Концепция асосида ишлаб чиқилган ва 2012 йил 18 сентябрда қабул қилинган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш мақсадида 2012 йил 19 сентябрдан бошлаб судга қадар иш юритув босқичида шахсни лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштиришдек процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида амалга ошириш тартиби жорий этилгани ҳам бу фикримизни тасдиқлайди.

Шундай қилиб, қамоққа олишга санкция бериш эҳтиёт чораси, лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибининг белгиланганлиги, авваламбор, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз эканлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳақидаги конституциявий норманинг амалда рўёбга чиқишининг яққол ифодасидир.

Шунингдек, 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг

айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга кўра, Жиноят-процессуал кодекси 237-моддасида белгиланган эҳтиёт чораларининг доираси кенгайтирилди. Яъни, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси жорий этилиб, шахсга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва унинг муддатини узайтириш судлар ваколатига берилди.

Айни йўналишдаги ислохотларнинг навбатдаги босқичида яна бир янги қадам қўйилди: 2015 йил 11 августдан кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун асосида жиноий жазолар тизимини янада такомиллаштириш ҳамда эркинлаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар, шу жумладан, озодликни чеклаш жазо чораси жорий этилди.

Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар, шу жумладан, озодликни чеклаш деб номланган янги жазо чорасининг жорий этилиши жиноий жазолар тизимини янада такомиллаштиришга, эркинлаштиришга ва инсонпарварлик руҳи билан йўғиришга қаратилган. Жумладан, ушбу Қонунга биноан, озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат. Озодликни чеклаш олти ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланган органлар назорати остида ўталади.

Озодликни чеклаш, уни маҳкумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилмишнинг хусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро этишдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади. Бу билан, бир томондан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини одил суд орқали муҳофаза қилиш имконияти янада кучайди ҳамда қўшимча кафолатлар белгиланди. Бошқа томондан, суднинг мустақиллиги, суд ҳокимиятининг таъсирчанлиги ошди. Бу эса, фуқароларнинг судларга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, миллий қонунчиликка киритилган бу ўзгартиш ва қўшимчалар жазонинг адолатлилиқ принципини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга, айбдор шахсларни жамиятдан кескин ажратмаган ҳолда уларнинг қаттиқ пушаймон бўлиши ва тузалиши учун зарур шарт-ша-

роитлар яратишга, моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплашга, шунингдек, халқаро стандартларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилишни давом эттиришга кўмаклашади.

Умуман, юртимиз суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган бу каби ислохотлар инсонпарварлик ҳамда бағрикенглик тамойиллари билан уйғун равишда амалга оширилаяпти. Мамлакатимиз жиноят қонунчилигига киритилаётган озодликни чеклаш тариқасидаги жазо тури билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолган, ўз ноқонуний хатти-ҳаракатларидан қаттиқ пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларга нисбатан беқиёс имкониятдир. Энг муҳими, мазкур жазо тури инсонпарварлик тамойилига тўла мос бўлиб, катта тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадир.

Президентимиз Концепцияси доирасида яна бир муҳим қонун ҳужжати - "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш даркор. Ушбу ҳужжат билан мамлакатимизда амалда бўлган айрим қонунларга муҳим ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Жиноят кодексининг 41-моддаси янги меъёр билан тўлдирилди. Унда, аввало, тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи идоралар билан ўзаро муносабатларида тадбиркор ҳуқуқи устуворлигини таъминлаш назарда тутилган.

Эндиликда тадбиркор ўз фаолиятида таваккалчилик асосида илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиб, кўзланган мақсадга эриша олмай, кредит юзасидан банк ҳамда молия ташкилотлари олдидаги шартнома мажбуриятини бажармаган тақдирда, янги норма банк ва бошқа молия ташкилотлари ходимлари жавобгарликка тортилишининг олдини олади.

Ушбу масалаларда қонун ва адолат тамойилларига қатъий риоя этилиши ҳуқуқий жиҳатдан тобора такомиллаштирилаётгани жуда муҳим аҳамиятга эга. Зотан, мустақиллик йилларида жамиятимизнинг янгилашиб бориши ва жадал тараққий этиши, мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари чуқурлашиб бориши натижасида фуқароларимизнинг хусусий мулк эгаси бўлиши учун қулай имкониятлар юзага келди.

Бу, ўз навбатида, хусусий мулкни тасар-

руф этишга тааллуқли ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасида судларга мурожаат қилишнинг кўпайишига олиб келди. Хусусан, биргина 2016 йилнинг биринчи ярмида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 139 мингдан ортиқ иш кўриб чиқилди. Бу ишларнинг 87,9 фоизи бўйича ҳал қилув қарори чиқарилиб, шундан 88,5 фоизи бўйича даъво талаблари қаноатлантирилди.

Бу ҳақда фикр юритганда, Истиқлол йилларида мамлакатимизда иқтисодийёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти тубдан кенгайтирилганини ҳам таъкидлаш лозим. Шу билан бирга, жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташланганига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Президентимизнинг 2015 йил 15 майда қабул қилинган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада эркинлаштириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш йўлида муҳим қадам бўлди.

Фармонда тадбиркорлик субъектлари солиқ ва божхона қонунчилигини бузгани муносабати билан уларнинг мулкни мусодара қилиш, тўловчи томонидан эътироз бўлганда, қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини ундириш фақат суд қарори билан амалга оширилишининг белгиланиши суд органлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги Фармонида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Шу асосда қонунчилигимизда хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ ҳамда молия ҳисоботларини тақдим этмаслиги ва улар кўрсатилган манзилда йўқлиги ҳолат-

ларида тижорат банкларидаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш фақат суднинг тегишли қарори асосида амалга оширилиши мустақамланди. Табиийки, бундай имтиёз ҳамда енгилликлар юртимиз тадбиркорларига манзур бўлмақда.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёнида судьялар таркибини сифат жиҳатидан янада яхшилашга эътибор қаратилаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Президентимизнинг бир қатор фармонлари асосида судьялар ҳамда суд тизими ходимларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, судьялар малакасини ошириш ва судларнинг моддий-техника базасини янада такомиллаштириш борасидаги ишлар тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда суд тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича ҳам изчил иш олиб борилмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, 2015 йил 10 июнда кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Қонун билан аҳоли фуқаролик ишлари бўйича судларга электрон шаклда мурожаат қилиш, судлар эса чақирув қоғозлари, қарор нусхалари ҳамда бошқа суд ҳужжатларини электрон шаклда юбориш имкониятига эга бўлдилар. Жорий йилнинг ўтган даврида 55 мингдан ортиқ электрон тарздаги мурожаатлар келиб тушгани ҳам у фуқароларга нечоғлик қулай имконият эканидан далолатдир.

Хулоса қилиб айтганда, Истиқлол йилларида мамлакатимизда суд тизимининг мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг дахлсиз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш, одил судловнинг амалда мустақиллигига эришиш, суд назорати институтини рўёбга чиқариш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, том маънода, "Ислоҳот — инсон учун!" деган ҳаётий даъватнинг амалдаги ифодасидир. Бинобарин, ана шу туб янгиланишлар жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли тарзда ҳимоялашга хизмат қилмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ Қ А Р О Р И

2016 йил 29 июль

№ 11

Тошкент шаҳри

Судлар томонидан вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болалар таъминоти учун алимент ундиришга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасига кўра, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96, 100-моддаларида, ота-онанинг вояга етмаган болаларига, шунингдек, вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериши шартлиги белгиланган.

"Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция асосида ишлаб чиқилган қонун ҳужжатларида вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болаларнинг моддий таъминот олиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган.

Вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болаларнинг моддий таъминот олиш ҳуқуқини таъминлаш ва бу борада Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси нормаларини тўғри ва аниқ татбиқ этилиши бўйича бир хил суд амалиётни шакллантириш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судларнинг эътибори болалар соғлом ва баркамол авлод сифатида вояга етишида ота-оналар масъул эканлигига ва улар ўзларининг вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларини ижтимоий таъминлашга мажбур эканлигига, ушбу мажбуриятни ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан алимент фақат суднинг ҳал қилув қарори ёки суд буйруғи чиқариш орқали ундирилишига;

алимент тўлаш билан боғлиқ бўлган низоларни ўз вақтида ва тўғри ҳал қилиш болалар манфаатлари ҳимоясининг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланишини назарда тутган ҳолда, қонунларга қатъий риоя этиш зарурлигига қаратилсин.

2. Амалдаги Ўзбекистон Республика-

си Оила кодекси ва Фуқаролик процесуал кодекси (бундан буён матнда "ФПК" деб юритилади) талабига кўра, вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болалар таъминоти учун алимент ундириш ҳақида судга боланинг ота ёки онаси, васийлик ва ҳомийлик органлари, васий ёки ҳомий шахс, болалар тарбия муассасалари маъмурияти ҳамда прокурор мурожаат қилиши мумкин.

Бундай мурожаатлар ФПКнинг 238²-моддаси 3-банди, 238³-моддаси тартибида суд буйруғи чиқариш тўғрисида ариза кўринишида ёки ФПКнинг 148-150-моддаларига риоя қилган ҳолда 239-моддасига мувофиқ, даъво ишларини юришти тартибида берилади.

3. Оила кодексининг 81-моддаси 2-қис-

мига кўра, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди. Шу муносабат билан судларга тушунтирилсинки, агарда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинишида болага алимент ундириш масаласи ҳал қилинмаган бўлса, алимент ундириш юзасидан ваколатли шахс даъво (ариза) билан мурожаат қилиши мумкин.

4. Оила кодексининг 165-моддасида фарзандликка олинганлар ва уларнинг ота-онаси (ота-онасининг қариндошлари) бир-бирларига нисбатан шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини йўқотишлари ҳамда ўзаро мажбуриятлардан озод бўлишлари белгиланганлиги сабабли фарзандликка олинганларнинг таъминоти учун ота-онасидан алимент ундирилмаслиги судларнинг эътибори қаратилсин.

5. Алимент ундириш юзасидан суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги ариза ёки даъво ариза ҳам судловга тааллуқлиликнинг умумий қоидаларига кўра, жавобгарнинг яшаш жойи бўйича берилади, шунингдек, ФПКнинг 241-моддаси 3-қисмига мувофиқ, аризачи ёки даъвогар яшаб турган жойда ҳам тақдим этилиши мумкин.

6. Вояга етмаган болалар таъминоти учун алимент ундириш ҳақида суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги ариза, шунингдек, вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болалар таъминоти учун алимент ундириш ҳақида даъво ариза берганлик учун давлат божи Солиқ кодексининг 329-моддаси 3-бандига мувофиқ ундирилмайди.

Судлар алимент миқдорини камайтириш, алимент тўлашдан озод қилиш ҳақидаги даъво аризаларини қабул қилишда ҳамда алимент ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори ёки буйруқ қабул қилишда давлат даромадига ундирилаётган давлат божи миқдорини белгилашда ФПКнинг 105-моддаси талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги "Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида"ги 14-сонли қарори (хусусан, 21-банди) тушунтиришларига асосланишлари лозим.

Алимент ундириш тўғрисида суд буйруғи чиқаришда, агар қарздор шу вақтда ишламаса ёки унинг иш ҳақи ва (ёки) даромадини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаган бўлса, давлат божи Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган

ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади.

7. Судлар эътибори боланинг таъминот олишга бўлган ҳуқуқини суд буйруғи чиқариш орқали таъминлашнинг аҳамиятини инобатга олиб, ушбу тартибда, яъни ФПКнинг 238²-моддаси 3-бандига асосан алимент ундириш масаласи ФПКнинг 238⁷-моддасига мувофиқ 3 кун ичида ҳал этилишини назарда тутиб, мазкур институт имкониятидан амалда кенг фойдаланишга қаратилсин.

8. Алимент миқдорини тўғри белгилашда, судларга, Оила кодексининг 99-моддасига кўра, вояга етмаган болаларга алимент ундиришда алимент миқдорини ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг муайян (1/4, 1/3, 1/2) қисми миқдорида белгиланиши лозимлиги, шунингдек, ушбу тўловлар миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа алоҳида ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Мазкур ҳолатда ҳам камайтирилган ёки кўпайтирилган алимент миқдори фоизда эмас, балки иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромаднинг муайян қисми меъёрида белгиланиши лозим.

9. Оила кодексининг 100-моддасида ота-онанинг вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига алимент тўлаши белгиланган бўлиб, бунда судлар қонун талабига кўра, вояга етган боланинг меҳнатга лаёқатли ёки лаёқатсизлиги ҳамда моддий ёрдамга муҳтож ёки муҳтож эмаслигини аниқлашга алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Судга мурожаат қилган тараф вояга етган боланинг меҳнатга лаёқатсизлиги ва ёрдамга муҳтожлиги тўғрисида далил сифатида ногиронлик ҳақидаги ТМЭК ёки бошқа ваколатли орган хулосаси, моддий аҳволи тўғрисидаги маълумот ва ҳ.к. тақдим этиши лозим. Ёрдамга муҳтож ёки муҳтож эмаслигига эса тегишли маълумотлар асосида суднинг ўзи баҳо бериши керак.

Судлар алимент ундиришда боланинг меҳнатга лаёқатлилигини йўқотилганлик даражаси ва унинг ҳақиқатдан ёрдамга муҳтож эканлигини, тарафларнинг моддий ва оилавий аҳволини эътиборга олишлари лозим.

10. Оила кодексининг 101-моддасига мувофиқ, ота-онадан вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига ундирилаётган алимент миқдори ҳар

ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Бунда алимент миқдорини аниқлашда, суд алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг оилавий ва моддий аҳволидан келиб чиқиши, яъни суд томонидан белгиланган миқдор асослангандирлиги бўлиши лозим.

11. Судлар алимент миқдорини аниқлашда, Оила кодексининг 102-моддасида белгиланган тартибга қатъий риоя этишлари, суд ҳал қилув қарорида алимент миқдори ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромаднинг муайян қисмида ёки пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланганлиги сабабини кўрсатиши лозим.

12. Боланинг таъминоти учун қўшимча харажатларни ундириш масаласини ҳал этишда, судлар Оила кодексининг 103-моддасида қайд этилган қўшимча харажат қандай фавқулотда ҳолатлар (болаларнинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар)да келиб чиққанлигини ҳамда бу бола таъминоти учун зарурлигини кўрсатиши ва уларнинг оилавий ва (ёки) моддий аҳволини ҳисобга олиб, қисман пул билан тўланадиган қўшимча харажатларнинг қатъий миқдорини аниқлаши лозим.

13. Оила кодексининг 142-моддаси 2-қисмида, суднинг ҳал қилув қарорига кўра, алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келган бўлса, айбдор шахс кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмай қолган алимент суммасининг ўндан бир фоизи миқдоридан алимент олувчига неустойка тўлаши белгиланган.

Мазкур нормадан келиб чиққан ҳолда судлар, неустойка тўлаш мажбурияти, агарда алимент суднинг қарори (буйруғи)га кўра, ундирилган бўлса, юзага келиши, алимент тўлаш тўғрисида келишув бажарилмаган тақдирда эса, жавобгарлик Фуқаролик кодексининг 327-моддасига кўра, юзага келишини инобатга олишлари лозим.

Алиментни ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарлик алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келган бўлса, юзага келиши, агарда шу шахснинг айби бўлмаса (масалан, ўз вақтида иш ҳақи олмаганлиги, алимент суммалари нотўғри ўтказилганлиги ва ҳ.к.) жавобгарлик юзага келмаслигини судлар эътиборда тутишлари керак.

Алимент ундириш тўғрисидаги суд қарори ижроси жараёнида алимент

бўйича қарз вужудга келиши сабабли неустойка миқдорини ҳисоблаш ва ундириш суд ижрочилари томонидан амалга оширилиши судларга тушунтирилсин. Алимент тўлаш тўғрисида келишув бажарилмаган, алимент бўйича қарз вужудга келган тақдирда эса, алимент ундирувчи банк фоизларини ундириш юзасидан судга даъво билан мурожаат этиши мумкин.

14. Оила кодексининг 144-моддасига мувофиқ, суднинг ҳал қилув қарорига асосан пул билан тўланадиган қатъий суммада ундирилаётган алиментларни индексация қилиш алиментлар ушлаб қолинаётган жойда қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақига мутаносиб равишда амалга оширилади.

Индексация қилиш мақсадида алиментнинг миқдори суд томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг муайян қисмига мос равишда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Шунга кўра, қатъий суммада ундирилиши лозим бўлган алимент миқдори суд томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг муайян қисмига мос равишда пул билан тўланадиган қатъий суммада (энг кам ойлик иш ҳақининг тенг ярми, бир баравари, бир ярим баравари ва ҳоказо) белгиланиши лозим.

15. Судларнинг эътибори суд қарорига (буйруғига) асосан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг муайян қисмида ундирилаётган алиментни қатъий суммада ёки бир вақтда муайян қисмда ва қатъий суммада ундириш тўғрисидаги манфаатдор тарафнинг талаби ФПКнинг 216-моддаси тартибида эмас, даъво иш юритувида кўрилиши лозимлигига қаратилсин. Чунки бу ҳолатда суд қарорини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш эмас, балки алимент миқдорини ўзгартириш тўғрисида масала ҳал этилади.

16. Судларга тушунтирилсинки, қарздор алимент ундириш тўғрисидаги суд буйруғининг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичидан арз қилинган талабга қарши эътироз билдирса, ФПКнинг 238¹⁰-моддаси тартибида суд буйруғи бекор қилиниши лозим.

Суд буйруғи ФПКнинг 238¹¹-моддасига асосан ижрога қаратилганидан ўн кун муддат ўтганидан сўнг билдирилган эъти-

розлар муддатни тиклаш ҳақида ариза мавжуд бўлмаса, суд томонидан кўрилмайди ва аризачига қайтарилади.

17. Агар суднинг бола таъминоти учун алимент ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарори ёки буйруғи ижро этилиши вақтида бола алимент тўлаётган ота (она)нинг тарбияси ва қарамоғига ўтган бўлса, ундирувчи эса, алимент олишдан воз кечмаган бўлса, кейинги тўланадиган алиментдан озод қилиш масаласи ота (она) томонидан тегишли тартибда қўзғатилган даъво асосида суд томонидан ҳал этилишига;

агар ундирувчи юқорида қайд этилган ҳолатларда алиментдан воз кечса, ижро иш юритуви "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 37-моддаси 2-қисмини 1-бандига асосан тугатилиши лозимлигига судларнинг эътибори қаратилсин.

18. Алимент миқдорини камайтириш ёки алимент тўлашдан озод қилиш ҳақидаги даъволар ФПКнинг 145-моддасига кўра, жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга берилади.

Вояга етмаган болалар таъминоти учун ундириладиган алимент миқдори суднинг ҳал қилув қарорига кўра, ўзгарган тақдирда алиментнинг янги миқдорда ундирилиши суднинг бу ҳақдаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан амалга оширилади.

19. Оила кодексининг 105, 115-моддаларида белгиланган ҳолатларда алимент миқдорини камайтириш, алимент тўлашдан озод қилиш ҳамда суднинг бир неча қарорлари бўйича ундириладиган алимент миқдорини белгилаш тўғрисидаги аризаларни судда кўриб ҳал этишда, барча ундирувчилар жалб қилиниши лозим.

20. Вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз шахсларга таъминот бериш мажбуриятлари белгиланган Оила кодексининг 122-моддасига мувофиқ, ота-онаси йўқ бўлган ёки улардан таъминот ололмайдиган вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож шахсларга таъминот бериш суд томонидан уларнинг қариндошлари: бобо, буви, невара, ака-ука, опа-сингил, шунингдек, ўғай ота ва ўғай она, ўғай ўғил ва ўғай қиз ҳамда доимий тарбияда бўлган шахслар зиммасига юклатилиши мумкин.

Бунда, судлар алимент миқдорини, қарздорнинг ҳамда ундирувчи (даъвогар)нинг моддий ва оилавий аҳолини ҳисобга олган ҳолда, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгилашлари

лозим.

21. Вояга етмаган бола ота-она қарамогидан олиниб, болалар тарбия муассасасига жойлаштирилган ҳар қандай ҳолатда, болаларга таъминот беришда ота-она мажбуриятларининг тенглигидан келиб чиқиб, Оила кодексининг 107-моддасига асосан ота-онасининг ҳар биридан алимент боланинг фойдасига ундирилиб, бола номига очилган банк ҳисоб varaғида жамланади.

22. Оила кодексининг 136-моддаси 4-қисмига кўра, агар таъминот учун маблағ олиш чоралари судга мурожаат қилингунга қадар кўрилганлиги, аммо алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг уни тўлашдан бош тортганлиги оқибатида алимент олинмаганлиги суд томонидан аниқланса, ўтган давр учун алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб уч йиллик муддат доирасида ундириб олиниши мумкинлигига судларнинг эътибори қаратилсин.

Алимент тўлашдан бош тортиш деганда, шахснинг алимент тўлаш мажбуриятини айбли равишда бажармаслиги, хусусан, алимент тўлаш тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги таклифни рад этиш, турар жойини ва (ёки) иш жойини яшириш тушунилиши судларга кўрсатиб ўтилсин.

23. Судлар, алимент ундириш ҳақидаги ишлар бўйича даъвогарнинг даъводан воз кечиши ва тарафларнинг келишув битимини тузиши сабабли иш юритишни тугатишда, бу ҳолат боланинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид ёки зид эмаслигига алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Суднинг ҳал қилув қарорига биноан алимент тўлаш мажбурияти юклатилган шахс томонидан жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида алимент тўламаслик ҳолати аниқланса, суд ФПКнинг 19-моддасида белгиланган тартибда жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилиши шарт.

24. Вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож шахслар учун ўз вақтида моддий таъминот олиш муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, фуқаролик ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг эътибори, алиментларнинг қонуний муддатда ва тўғри ундирилиши, ўз вақтида ижрога қаратилишини доимий назорат қилиб, суд амалиётини йилига камида бир маротаба таҳлилий ўрганиб боришга қаратилган.

Олий суд раиси

И. РАХИМОВ

Пленум котиби,
Олий суд судьяси

Д. КАМИЛОВ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ Қ А Р О Р И

2016 йил 29 июль

№ 12

Тошкент шаҳри

Аризани қабул қилишни рад этиш, аризани кўрмасдан қолдириш ва иш юритишни тугатиш билан боғлиқ процессуал нормаларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида

Аризани қабул қилишни рад этиш, аризани кўрмасдан қолдириш ва иш юритишни тугатиш билан боғлиқ процессуал нормаларни қўллашда айрим масалалар юзага келганлиги муносабати билан қонун нормаларини суд амалиётида аниқ ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига асосан ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Мурожаат Фуқаролик процессуал кодексига белгиланган тартибда, илова қилинадиган ҳужжатлар билан биргаликда судга бевосита қабулда топширилиши, почта алоқа хизмати ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкин.

Судлар аризани қабул қилишни рад этиш, аризани кўрмасдан қолдириш ва иш юритишни тугатишда процессуал ҳуқуқ нормаларини аниқ ва бир хилда қўллашга алоҳида эътибор қаратишлари шарт.

2. Аризани қабул қилишни рад этиш ва фуқаролик иши юзасидан иш юритишни тугатишда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 152, 100-моддаларида кўрсатилган асосларга риоя қилиш лозимлигига, шу билан бирга ушбу асослар ҳам тугал эмаслигига судларнинг эътибори қаратилсин.

Хусусан, Оила кодексининг 39-моддасида хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр хотини-

нинг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмаслиги белгиланган. Бундай ҳолатларда суд аризани қабул қилишни рад этиши, агар ариза қабул қилинган тақдирда иш юритишни тугатиши лозим.

Ушбу қонун нормаларида белгиланган қоидалар нафақат даъво аризаларга нисбатан, балки алоҳида тартибда иш юритиш, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларга нисбатан ҳам қўлланилади.

3. Аризани қабул қилишни рад этиш масаласи судья томонидан ариза келиб тушган кундан эътиборан 10 кунлик муддат ичида асослан-тирилган ажрим чиқариш орқали ҳал қилинади ва у дарҳол, алоҳида ҳолларда эса, ажрим чиқарилган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида мурожаат қилувчи шахсга топширилади ёки алоқа бўлими ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади.

Агар иш судга тааллуқли бўлмаса, судья ажримда аризачи қайси органга мурожаат қилиши лозимлигини ёки иш қўзғатишга тўсқинлик қилаётган ҳолатларни қандай бартараф этишини кўрсатиши шарт.

Судьянинг Фуқаролик процессуал кодексининг 152-моддаси 5-7-бандларида назарда ту-

тилган асослар бўйича аризани қабул қилишни рад этиши йўл қўйилган камчиликлар бартараф қилинган, шу иш бўйича судга умумий тартибда ариза билан такроран мурожаат этишга тўсқинлик қилмайди.

Суднинг айнан ўша тарафлар ўртасида, айнан бир предмет тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан қабул қилиниб, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёхуд даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлигини қабул қилиш ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим мавжудлиги аризани қабул қилишни рад этиш учун асос бўлади.

Судлар ушбу масалани ҳал қилишда илгари қабул қилинган ва қонуний кучда бўлган суд қарори айнан ўша тарафлар ўртасида, айнан бир предмет тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича қабул қилинганлигига, шунингдек, кўрсатилган ҳолатларнинг барчаси мавжуд бўлиши аризани қабул қилишни рад этиш учун асос бўлишига эътибор қаратишлари лозим.

Даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар даъво асоси ҳисобланади.

Даъво предмети деганда, даъвогарнинг талаби йўналтирилган, суд қарори қабул қилиниши сўралаётган субъектив-ҳуқуқ ҳамда кўриб ҳал қилиниши лозим бўлган моддий-ҳуқуқий низо тушунилади.

4. Судларга жавобгардан даврий тўловлар (алиментлар, соғлиққа шикаст етказилганда кўрилган зарарни қоплаш ёки фуқаро вафот этганлиги билан боғлиқ тўловлар ва ҳоказолар) ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан сўнг тўловлар миқдори ёки муддатини белгилашга таъсир этувчи ҳолатлар жиддий равишда ўзгарган бўлса, бундай асос билан ҳар бир тараф Фуқаролик процессуал кодексининг 217-моддаси 3-қисмига мувофиқ янгидан ариза бериш йўли билан тўловларнинг миқдори ва муддатини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

5. Ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар жавобгар дастлабки даъво билан бирга кўриб чиқиш учун даъвогарга нисбатан қарши даъво тақдим этишга ҳақли бўлиб, бунда қарши даъво умумий қоидаларга риоя қилинган ҳолда берилиши лозим.

Судлар жавобгар томонидан келтирилган қарши даъвони қабул қилишда Фуқаролик процессуал кодексининг 247-моддаси талабидан қатъий назар, аризани қабул қилиш учун ушбу Кодекснинг 152-моддасида кўрсатилган асослар монелик қилмаслиги ва ариза Фуқаролик процессуал кодексининг 149-150-моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда берилганлигига эътибор қаратишлари лозим.

6. Фуқаролик процессуал кодексининг 97-моддаси 1 ва 2-бандларига мувофиқ, муомалага лаёқатсиз шахс, шунингдек, иш юритишга вако-

лати бўлмаган шахс томонидан берилган ариза кўрмасдан қолдирилиши лозим.

Ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган деганда, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган, шунингдек, суд томонидан қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс томонидан берилган ариза тушунилади.

Ариза манфаатдор шахс номидан аризани иш юритишга ваколати бўлмаган шахс томонидан берилган деганда, бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахс (ишончли вакил)га учинчи шахслар олдидан берилган ваколатлар доирасида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома мавжуд бўлмаган шахс томонидан берилган ариза тушунилади.

7. Аризани кўрмасдан қолдиришда Фуқаролик процессуал кодексининг 97-моддасида кўрсатилган асосларга риоя қилиш лозимлиги, лекин бу асослар ҳам тугал эмаслиги судларга тушунтирилсин.

Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 282-моддаси талабига кўра, алоҳида тартибда юритиладиган ишни кўриш вақтида агар судга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқса, суд аризани кўрмасдан қолдириб, ишда иштирок этувчи шахсларга умумий тартибда даъво тақдим этишни таклиф қилиши лозим.

Шунга кўра, судларнинг эътибори аризани кўрмасдан қолдириш асослари Фуқаролик процессуал кодексининг 97-моддасидан ташқари қонуннинг бошқа махсус нормалари билан ҳам белгиланганлигига қаратилсин.

8. Аризани Фуқаролик процессуал кодексининг 97-моддаси 4 ва 5-бандлари асосида кўрмасдан қолдиришда ишда тарафларга суд чақирув қоғози топширилганлиги ҳақидаги маълумот мавжуд бўлиб, улар суд мажлисига узрли сабабларга кўра кела олмаганликларини тасдиқловчи далиллар тақдим қилмаган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин.

9. Судларга тушунтирилсинки, аризани кўрмасдан қолдириш ҳақидаги суд ажрими асослантирилиши ва шунингдек, ариза процессуал қонуннинг қайси нормасига мувофиқ кўрмасдан қолдирилганлиги аниқ кўрсатилиши лозим.

Аризани кўрмасдан қолдирилиши, ишнинг мазмунан ҳал этилишига тўсқинлик қилиши сабабли унга асос қилиб келтирилган ҳолатларни бартараф этиш йўллари суд томонидан ажримда кўрсатилиши шарт.

Аризани кўрмасдан қолдиришга асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан сўнг манфаатдор шахс яна судга умумий тартибда ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Агар тарафлар суд мажлисига узрли сабабларга кўра кела олмаганликларини тасдиқловчи далилларни тақдим этса, даъвогар ёки жа-

вобгарнинг илтимосномаси (аризаси)га бинан, суд Фуқаролик процессуал кодексининг 97-моддаси 4 ва 5-бандларига асосан аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида чиқарган ўз ажримини шу кодекснинг 99-моддасига кўра, бекор қилади.

Мазкур илтимоснома (ариза) келиб тушган кундан эътиборан 10 кунлик муддат ичида суд томонидан тарафлар иштирокида суд мажлисида кўриб чиқилади. Тарафлардан бирининг суд мажлисига келмаганлиги илтимоснома (ариза)ни мазмунан ҳал қилишга тўсқинлик қилмайди.

Суднинг ажрими ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қилмаслиги сабабли ажрим устидан хусусий шикоят ёки хусусий протест келтирилиши қонунда назарда тутилмаган.

Судларга тушунтирилсинки, аризани кўрмасдан қолдиришга фақат Фуқаролик процессуал кодексининг 97-моддаси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган асосларга кўра, йўл қўйилади. Ариза суд томонидан асоссиз кўрмасдан қолдирилган ҳар қандай ҳолатга юқори суд тегишли муносабат билдириши лозим.

10. Судлар иш юритишни тугатишда Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддасида белгиланган асосларга қатъий амал қилишлари шарт.

Агар фуқаролик иши қўзғатилган бўлиб, суд муҳокамаси вақтида иш судга тааллуқли эмаслиги аниқланса, суд мазкур масалада тарафларнинг фикрини инобатга олган ҳолда, алоҳида ажрим билан иш юритишни тугатиб, унда аризага қайси органга мурожаат қилиши лозимлигини тушунтиради.

Айни бир тарафлар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишини қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжудлиги сабабли иш юритиш тугатилганда, суд ажримда ушбу асослар бўйича иккинчи марта мурожаат қилишга йўл қўйилмаслиги етарлича асосланганди лозим.

Даъвогар арз қилган талабларидан воз кечган ва суд бу воз кечишни қабул қилган ҳамда тарафлар келишув битими тузган бўлсалар, уни тасдиқлашда судлар Фуқаролик процессуал кодексининг 40-моддаси 4-5-қисмлари ва 180-моддаси талабларига қатъий риоя қилишлари лозим.

Ажрим нусхаси ишда иштирок этаётган тарафларга дарҳол, алоҳида ҳолларда эса, қабул қилинган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида топширилиши, алоқа бўлими орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши шарт.

Ишни судда кўришга тайёрлаш вақтида жавобгар даъвогарнинг талабларини тан олиши ва бу тан олиш суд томонидан қабул қилиниши

асоси бўйича иш юритишни тугатишда ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида ҳуқуқ тўғрисида низо мавжуд бўлмаслиги ҳамда ишга жалб қилинмаган бошқа шахсларнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларига таъсир қилмаслиги лозим.

биринчидан, МЖТКнинг XVI1 бобини кодекснинг тегишли нормалари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан мувофиқлаштириш;

иккинчидан, хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик фаолияти асосларига қарши содир этиладиган, аммо маъмурий жавобгарлик доирасидан четда қолган айрим қилмишлар учун XVI1 бобда жавобгарлик белгилаш;

учинчидан, XVI1 боб асосида жавобгарлик субъектлари доирасини кенгайтириш;

тўртинчидан, XVI1 бобда белгиланган бир қатор моддаларни оғирлаштирувчи таркиб билан тўлдириш;

бешинчидан, XVI1 бобда белгиланган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни қўллаш ва амалга оширишнинг ташкилий асосларини такомиллаштириш.

МЖТКнинг XVI1 бобини кодекснинг тегишли нормалари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан мувофиқлаштириш бўйича. Аввало шуни айтиш жоизки, МЖТКнинг XVI1 боб билан тўлдирилиши кодекснинг ушбу боби ва 2-моддасидаги манتيқий боғлиқни талаб қилмоқда.

Ҳап шундаки, МЖТКнинг 2-моддасида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлар тоифаси белгиланган бўлиб, бу ерда тадбиркорлик фаолияти ва хусусий мулкчилик асослари кўрсатилмаган, тўғри мазкур моддада

"мулк" маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан муҳофаза этилиши кўрсатилган, аммо мазкур тушунча умумий мазмунга эга бўлиб, тадбиркорлик фаолияти ва хусусий мулкчилик асосларини тўғридан-тўғри ифодалай олмайди.

Шу сабабли МЖТКнинг 2-моддасини "хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари" деган умла (норма) билан тўлдириш лозим.

Зеро, МЖТКнинг 2-моддасида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан муҳофаза этиладиган барча ижтимоий муносабатлар умумий тарзда белгиланган бўлиб, МЖТКнинг маъмурий жавобгарликни белгилловчи таркибий қисмлари (бўлимлар, боблар, моддалар) айнан ушбу модда концепцияси доирасида шакллантирилиши талаб этилади.

Ўтган йиллар мобайнида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ноқонуний текширганлик учун назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари масъуллигини ошириш ва жавобгарлигини белгилашни назарда тутувчи нормалар белгиланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги "Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони билан "Республика кенгаши билан келишилмаган ҳолда текширишларни амалга оширувчи марказдаги ва жойлардаги назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши", 1998 йил 19 ноябрдаги "Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида"ги Фармони билан "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат тариқасида текшириш ва муқобил текширишларни ўтказиш борасида белгиланган тартибга риоя этилиши учун шахсий жавобгарлик солиқ ва молия органларининг, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги органларининг, шунингдек, давлат назоратини амалга оширишга вакил қилинган бошқа органларнинг раҳбарлари зиммасига юкланиши", 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан "Назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгар, ҳатто жиноий жавобгар ҳам бўлиши", 2005 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан "назорат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари рухсатсиз текширилганлиги ва уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашилганлиги учун етказилган иқтисодий зарарнинг ўрни қопланган ҳолда жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарлик-

ка ҳам тортилиши" белгиланган.

Аммо мамлакатимиз миллий қонунчилик тизимида мазкур жавобгарлик нормаларини амалга ошириш механизми ҳали шаклланмаган. Амалдаги МЖТКда бу борада тўғридан-тўғри жавобгарликни белгилловчи нормалар мавжуд эмас.

Шу муносабат билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг XVI¹ ни қўл остидаги ходимларнинг маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган текширишлар тартибини бузиш ва ноқонуний текширишлар ўтказганлигига йўл қўйганлиги учун назорат қилувчи органлар раҳбарларининг маъмурий жавобгарлик белгилловчи модда (норма) билан тўлдириш зарур. Бу эса, ўз навбатида, назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари томонидан қўл остидаги ходимлари текширишларни ўтказиш тартиби ва қоидаларига амал қилишларини назорат қилишни кучайтиришнинг таъсирчан механизмини шакллантиришга ёрдам беради.

Хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик фаолияти асосларига қарши содир этиладиган, аммо маъмурий жавобгарлик доирасидан четда қолган айрим қилмишлар учун XVI¹ бобда жавобгарлик белгилаш бўйича. МЖТКнинг XVI¹ бобида 11 та ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Аммо, шундай бўлишига қарамасдан хусусий мулкчилик асослари ва тадбиркорлик фаолиятига қарши баъзи ҳуқуқбузарликларга қарши қилмишлар маъмурий жавобгарлик доирасидан четда қолган.

Масалан, биргина 2015 йилнинг биринчи ярми мобайнида тадбиркорлик субъектларини ноқонуний маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича 8742 та ҳолат аниқланган бўлиб, мазкур ҳолат учун амалдаги МЖТКда тўғридан-тўғри жавобгарликни назарда тутувчи норма мавжуд эмас. Бундай ҳолатлар учун тегишли органларга тақдимнома киритилсагина айбдор ходим идоровий тартибда интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Яна бир ҳолат, тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини кўриб чиқиш тартибини бузганлик учун ҳам тўғридан-тўғри жавобгарлик нормалари мавжуд эмас. Тўғри, МЖТКнинг 43-моддасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Аммо юқоридаги параграфларда таъкидланганидек тадбиркорлик субъектлари шунчаки ҳуқуқ субъекти эмас, балки мулккий фойда кўришга қаратилган хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи алоҳида субъект ҳисобланади ва албатта тадбиркорлик субъектининг мурожаати ҳам шунга мувофиқ тарзда ўз хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб бу борадаги муносабатлар алоҳида ҳуқуқий муҳофазани талаб қилади.

Шунингдек, ғайриқонуний равишда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш ёхуд рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб турш ёки тугатиш учун ҳам жавобгарлик белгилаш зарур.

XVI¹ боб асосида жавобгарлик субъектлари доирасини кенгайтириш бўйича. МЖТКнинг XVI¹ бобида кўрсатилган ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари ҳисобланган мансабдор шахслар ва хизматчиларнинг аксарияти МЖТКнинг 16-моддасида белгиланган махсус жавобгарлик субъектлари бўлганлиги учун МЖТКнинг XVI¹ бобида кўрсатилган ҳуқуқбузарликларни содир этган тақдирда ҳам МЖТК асосида маъмурий жавобгарликка эмас, балки идоровий меъёрий ҳужжатлар асосида интизомий жавобгарликка тортилади. Бу эса тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган маъмурий жавобгарлик нормаларининг умумий таъсир этиш принциплари ва таъсирчанлиги ҳамда самардорлигига салбий таъсир этмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари "... қонунни бажармаслик билан боғлиқ ҳар бир конкрет ҳолат бўйича аниқ жазо турлари, ҳуқуқий таъсир чоралари кўзда тутилиши керак",² деб таъкидлаган эди. Шу сабабли ҳам МЖТКнинг 16-моддасига ушбу моддада кўрсатилган жавобгарлик субъектларининг XVI¹ бобида белгиланган ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун умумий асосларга кўра маъмурий жавобгарликка тортилишини назарда тутувчи тегишли ўзгартиш киритиш мақсадга мувофиқдир.

Амалдаги тартибга кўра, тадбиркорлик фаолияти ва хусусий мулк асосларига қарши содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун ушбу ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишида айбдор бўлган жисмоний шахслар жавобгарликка тортилади. Бироқ тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик асосларини такомиллаштириш юзасидан юридик шахсларнинг ҳам маъмурий жавобгарлигини белгилаш фурсати етганлигини эътироф этиш жоиз. Гарчанд мазкур таклиф мамлакатимиз миллий қонунчилиги учун янгиликдек туюлсада бундай амалиёт Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан жорий этилганлигини эътироф этиш керак. Мазкур фармонга кўра, давлат органларнинг ноқонуний қарорлари ёки шу орган мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг ўрни суд қарори асосида тўла ҳажмда бевосита ана шу давлат органлари томонидан, биринчи навбатда уларнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобига қоплашни лозимлиги белгилаб қўйилди.

Кўриниб турибдики, битта ҳуқуқбузарлик факти — тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун иккита субъект жавобгарликка тортилмоқда, яъни давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи

органининг мансабдор шахси МЖТКнинг XVI¹ бобидаги тегишли модда(лар) асосида маъмурий жавобгарликка тортилса, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи орган ўз ходими томонидан етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлмақда.

Цивилистик тадқиқотлар³ ва адабиётларда⁴ давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун жавобгарликни фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик сифатида эътироф этилади ва бунга асос сифатида Фуқаролик кодексининг 15, 990 ва 991-моддалари далил сифатида келтирилади.

Назаримизда, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари (шу жумладан, назорат қилувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахслари) томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик ҳар доим ҳам фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик бўлавермайди. Бунда зарарнинг қайси ҳуқуқ соҳаси нормалари билан тартибга солинадиган (муҳофаза этиладиган) муносабатларни бузиш натижасида келиб чиқишини инобатга олиш зарур. Агарда зарар тегишли орган ёки унинг мансабдор шахсининг маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар доирасидаги ҳаракатлари натижасида, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиши оқибатида келиб чиқадиган бўлса, бундай ҳолларда етказилган зарар бўйича жавобгарлик ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш жараёнида ҳал этилиши керак.

Агарда етказилган зарарни қоплаш фуқаролик тартибиде, зарарни келтириб чиқарган ҳуқуқбузарлик эса маъмурий тартибда кўриб чиқиб ҳал этиладиган бўлса, ўз ўзидан масалани ҳал этиш мураккаблашади, шунингдек, бу борада ҳуқуқни қўллаш ва жавобгарликни амалга оширишда икки хил (фуқаролик-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий) ёндашувнинг вужудга келишига олиб келади.

Шу сабабли давлат органларнинг ноқонуний қарорлари ёки шу орган мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектларига етказилган зарар учун жавобгарлик (яъни унинг қопланиши) тегишли ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни маъмурий тартибда кўриб чиқиш жараёнида амалга оширилиши мантиқан тўғри ва самарали бўлади.

Тегишли органнинг маъмурий жавобгарликка тортилиши у ерда хизмат олиб борувчи жамоанинг идоровий бир бутунликда МЖТКнинг XVI¹ бобида белгиланган ҳуқуқбузарликларни содир этишдан тийилишга ундайди.

Мамлакатимиз миллий қонунчилигида юридик шахсларнинг тўғридан-тўғри маъмурий жавобгарлиги назарда тутилмаган. Аммо хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик фаолияти асосларига қарши ҳуқуқбузарликлар учун тегишли органларнинг ҳам маъмурий жавобгарлигини белгилаш фурсати етганлигини эътироф этиш зарур.

XVI¹ бобда белгиланган бир қатор моддаларни оғирлаштирувчи таркиб билан тўлдириш бўйича. Маъмурий жавобгарлик нормаларининг самарали ва мақсадга мувофиқ тарзда таъсир этишида кўп жиҳатдан тегишли моддаларда ҳуқуқбузарлик учун оғирлаштирувчи таркибнинг мавжуд бўлиши талаб этилади. Аммо МЖТКнинг XVI¹ бобида белгиланган моддаларнинг фақат учтасидагина (МЖТК 241⁹, 241¹⁰, 241¹¹-м.) оғирлаштирувчи таркиб мавжуд бўлиб, улар ҳам ҳуқуқбузарликни бир йил давомида тақдоран содир этганлик учун белгиланган.

Ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни оғирлаштирувчи таркиб аввало жазонинг мақсадга мувофиқ ва адолатли қўлланилишига имкон беради. Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликнинг одатдаги кўринишидан ўзининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари билан хавфлироқ шаклларига қарши курашда самарали аҳамият касб этади.

Масалан, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 39-моддасида тадбиркорлик субъектлари текширув ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахсларнинг текширув ўтказишига йўл қўймаслик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг ўз ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича қўйган талабларини бажармаслик ҳамда текширув предмети тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик ҳуқуқига эга белгиланган.

Тадбиркорлик субъектининг қаршилигига қарамасдан ноқонуний текширув ўтказганлик учун ҳам умумий асослар (МЖТКнинг 241²-модда. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш) бўйича жавобгарлик белгиланган адолат мезонларига тўлиқ мос келмайдиган ҳамда ҳуқуқбузарликка қарши курашишга самарали таъсир этмайди. Бундай ҳолатда, яъни тадбиркорлик субъектининг қаршилигига қарамасдан ноқонуний текширув ўтказганликни оғирлаштирувчи таркиб сифатида белгиланган лозим бўлади.

Яна бир ҳолат. Маълумки, прокуратура ҳамда адлия органларининг тегишли мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини бузувчи ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилиши мумкинлиги ҳақида етарли маълумотлар бўлганда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ёзма равишда огоҳлантиришига қарамасдан ҳам хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолияти асосларига қарши ҳуқуқбузарлик содир этиш ҳолатини ҳам тегишли моддаларнинг диспозицияларида оғирлаштирувчи таркиб сифатида белгиланган лозим.

Юқоридаги ҳулосадан келиб чиқиб ҳамда амалиёт материаллари таҳлил этилган ҳолда қуйидаги қилмишларни ҳам оғирлаштирувчи таркиб сифатида белгилаб қўйиш таклиф этилади:

- ваколатли бўлмаган шахс томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш

ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш;

- қонуний асослар бўлмасдан туриб лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки лицензияни бекор қилиш;

- қонуний асослар бўлмасдан туриб рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки лицензияни бекор қилиш.

XVI¹ бобда белгиланган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни қўллаш ва амалга оширишнинг ташкилий асосларини такомиллаштириш. Ушбу бобда кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқади.

Тегишли ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда судьялар жазо тайинлаш билан бирга ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ҳамда жазонинг таъсирчанлигини оширишга таъсир этувчи ташкилий чора-тадбирларни қай даражада моҳирлик билан танлаши ва амалга ошириши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Судлар маъмурий жазо қўллаш жараёнида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этган мансабдор шахсларини текшириш ўтказиш ҳуқуқини бериш бўйича қайта аттестациядан ўтказиш ёки текшириш ўтказиш ҳуқуқини бекор қилиш ҳамда бундай ҳуқуқни берувчи махсус гувоҳномани олиб қўйиш масаласини ҳал этиш юзасдан тегишли аттестация комиссияларига тақдимнома киритиш масаласини ҳам этиш лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг тарбиявий ва огоҳлантирувчи ролини ошириш мақсадида иш ҳуқуқбузарнинг хизмат жойидаги жамоаларда кўриб чиқиши самарали аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик ҳамда қонунга хилоф равишда аралашганлик учун маъмурий жавобгарлик асосларини такомиллаштириш тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, бу соҳа вакилларига кенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш, қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсқинликни бартараф этиш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

¹ Президент Ислам Каримовнинг Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги "2015 йилда иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш — устувор вазифамиздир" номи маърузаси // Халқ сўзи. - 2015. 17 янв. № 11 (6194).

² Ўша манба.

³ Қўлдашев Н.А. Ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплашнинг фуқаролик-ҳуқуқий масалалари: Ўқув қўлланма. - Т., 2002. - Б. 41-56.

Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар): Дарлик. - Т., 2005. - Б.138-205.

Мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўлига ўтиши, унинг суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан мустақкам ўрин эгаллаши — давлатимиз ривождаги янги босқичдир. Айтиш жоизки, давлатнинг ҳар бир тарихий босқич ва даврдаги бажарадиган вазибалари жамиятнинг мақсад ва интилишлари билан ҳамроҳанг тарзда амалга ошади. Табиийки, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишдек олий мақсад сари дадил интилар эканмиз, бу жараёнда давлатнинг вазиба ва функциялари ҳам айнан шу мақсад-муддаога мутаносиб равишда янгидан шакллантирилади.

Давлат функцияларининг таснифи ва унинг аҳамияти

Мавлуда АШИРБАЕВА,
мустақил изланувчи

Бугунги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар ва жамиятни модернизация қилиш жараёнида нафақат давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, балки давлат фаолиятининг барча жиҳатларини, айниқса, давлатнинг функцияларини давр талаблари асосида илмий таҳлилдан ўтказиш, ушбу функцияларнинг самарадорлигини ошириш ниҳоятда долзарб масалага айланди.

Айни чоғда давлат функцияларини таснифлаш, уларнинг классификация мезонларини пухта илмий таҳлил этишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, давлат кенг қамровли функцияларни амалга оширади. Уларнинг ҳар бирини аниқ тасаввур этиш учун давлат функцияларини илмий таснифлаш, классификация қилиш зарур. Таъкидлаш лозимки, классификация қилиш давлат функцияларини ўрганишнинг методологик масалаларидан бири саналади. Шу боис классификация услубига алоҳида тўхталиш лозим. "Давлат функцияларини ўрганишда ҳам таснифлаш услубидан самарали фойдаланилади. У ёки бу функцияларни муайян бир туркумга, гуруҳга киритиш имконини берувчи таснифлаш мезонлари, яъни белгилари (уларнинг йиғиндисини) турли хусусиятга эга. Масалан, давлат фаолиятининг объектлари ва соҳалари, ҳудудий кўламлари, ижтимоий муносабатларга давлат томонидан таъсир кўрсатиш усули, вазибаларнинг мазмуни бир-биридан фарқ қилади".¹

Давлат функцияларини

классификациялаш мезонлари (белги, аломатлари) у ёки бу функцияни муайян йўналишга, туркумга киритиш учун асос бўлади. Бундай мезонларни кўриб чиқиш уларнинг қуйидаги турларини аниқлаш имконини беради: 1) жамият ва давлат олдида турган вазибалар мазмунига кўра (яратувчанлик функцияси ва ҳимоялаш, қўриқлаш функцияси); 2) давлат фаолиятининг соҳаси бўйича, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш бўйича (ички функциялар ва ташқи функциялар); 3) давлат фаолиятини амалга ошириш методлари бўйича (ишонтириш ва мажбурлаш воситасида амалга ошириладиган функциялар); 4) давлат фаолияти йўналишлари бўйича (иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-маданий, муҳофазалаш ва ҳ.к. функциялари).²

Ҳуқуқий адабиётларда давлат функцияларининг кенгайтирилган ва тор (қисқа) рўйхати келтирилади.³ Айрим ҳуқуқшунос олимлар функциялар рўйхатини қисқартириш бир функциянинг иккинчи функцияга қўшилиб кетиши, бир функция мазмунига қамраб олиниши сабаб бўлади, деган фикрни баён этадилар. Масалан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш функциясини ҳуқуқни муҳофаза қилиш деган кенг қамровли функцияга мансублигини таъкидлашади.

Бизнинг фикримизча, давлат фаолиятининг кенгрок йўналишини ифодаловчи функция ичига торроқ фаолият йўналишларини қўшиб юбориш орқали давлат функцияларининг сонини камайтириш у қадар тўғри эмас. Зотан, бунинг оқибатида давлатни функцияларини илмий ва амалий ўрганиш сифати пасайиб ке-

тиши мумкин.

Давлат функциялари сонини камайтириш тенденцияси натижасида "давлатнинг минимал функциялари" деган концепция вужудга келди.⁴ Унинг тарафдорлари фикрича, ҳар бир давлат мавжуд ижтимоий тузумни мамлакат ичида ва ташқаридан қўриқладиган ҳуружлардан ҳимоялаш учун ички сиёсий ва ташқи сиёсий функцияни бажариши етарли бўлади.⁵ Давлатнинг минимал функцияларини ажратиш кўрсатиш давлат олдида турган икки муҳим вазибани ҳал этишни кўзлайди: 1) эркинлик, хавфсизликни таъминлаш ва мулкни ҳимоялаш (ҳуқуқий функция); 2) алоқалар тизимини вужудга келтириш.

Давлатнинг либертар назарияси уни эркинликнинг институционал шакли сифатида таърифлайди: ҳар қандай давлат ўз фаолиятини ҳуқуқий вазибаларни ҳал этишга йўналтиради. Ҳуқуқий тизим ривожланиб, ҳуқуқий давлат қуриш тобора реаллашиб боргани сари бу функция кун тартибига чиқиб боради. Замонавий демократик ва ҳуқуқий давлатларда эркинлик, хавфсизлик ва мулк масалалари долзарб бўлиб, уларнинг мезонлари ва кафолатлари яратилиб боради.⁶

Алоқалар тизимини вужудга келтириш функциясига келсак, сиёсий ҳокимиятнинг ҳар қандай субъекти (ташқилоти) ўз ваколатларини ҳудудлар бўйича ёйиш, тақсимлаш учун муайян алоқалар тизимини яратади, бу ҳудудий бошқарув учун зарур. Ҳатто ривожланган фуқаролик жамиятида ҳам муҳим алоқалар тизими (почта, темир, йўл, бошқа транспорт воситалари) сиёсий ҳокимиятнинг, давлат иши бўлиб қолаверади.

Хуқуқшунос олим В.В. Лазаревнинг фикрича, давлат хуқуқий шаклдаги хуқуқий вазибаларни бажариб, қонун ижодкорлиги, ижро этиш ва судлов фаолияти орқали эркинлик, хавфсизлик ва мулк муҳофазасини таъминлайди. Ушбу учта функционал шаклнинг мавжуд бўлишини ҳокимиятлар бўлиниши принципи тақозо этади.⁷

Давлат функцияларни классификация қилиш, таснифлаш кимнингдир хоҳишига кўра эмас, балки жамият ва мамлакат тараққиёти эҳтиёжлари ҳамда қонуниятларини инобатга олиб белгиланадиган мезонлар асосида амалга оширилиши илмий — амалий мақсадга мувофиқ. Турли даврларда олимлар томонидан илгари сурилган илмий таклифларни умумлаштириб, давлат функцияларини таснифлашнинг қуйидаги мезонларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) давлат функцияларининг мазмуни ва вазибалари бўйича (яратувчанлик функцияси ва кўриқловчи функция); 2) функцияларнинг йўналиши, уларнинг давлат ички ва ташқи сиёсатида алоқаси бўйича (ички ва ташқи функциялар); 3) функцияларни амалга ошириш методлари бўйича (ишонтириш методига асосланган функциялар ва мажбурлаш методига таянувчи функциялар); 4) давлат фаолиятининг соҳалари бўйича (иқтисодий, мафкуравий, ижтимоий, маданий, ташқи сиёсий ва бошқ.) ва ҳ.к.⁸

Замонавий давлатлар функцияларининг классификацияси аънанавий назарияга кўра, икки хил деб ҳисобланади: ички функциялар ва ташқи функциялар. Кўпчилик олимлар давлатнинг ички функциясига

— иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, экологик, хуқуқий тартиботни таъминлаш (фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликни мустақкамлаш) кабиларни киритадилар; ташқи функцияларга эса — жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашиш, ташқи иқтисодий ҳамкорлик, мамлакатни муҳофаа қилиш, халқаро хуқуқ-тартиботни таъминлаш ва бошқалар.⁹

Бу, албатта, умумий таснифлаш. Олимларнинг бу борадаги фикрларини таҳлил этадиган бўлсак, нисбатан яхлит функция ичида янада майдорқ функция — субфункцияга ажратиш таклифи мавжуд. Масалан, айрим олимлар иқтисодий функцияга мулкни бошқариш ва ҳимоялаш функцияси, тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш функцияси, солиқ функцияси, хусусий мулкни ҳимоялаш функцияси, молиявий назорат каби функциялар мансублигини таъкидлайдилар.¹⁰ Давлатнинг кўриқлаш функциясига оид турли мулк шаклларини кўриқлаш, табиатни муҳофаза қилиш, хуқуқий тартиботни кўриқлаш каби вазибалар ҳам санаб ўтилади. Ташқи функциялардан муҳофаа функцияси ичида бошқа давлатлар билан дипломатик муносабатларни ўрнатиш, халқаро тинчликни таъминлашда иштирок этиш, тинчликпарвар халқаро кучларни ташкил этиш функцияларини кўрсатадилар.¹¹

Юқорида фикр юритганимиз давлатнинг ички ва ташқи функциялари ўзаро чамбарчас боғлиқ. Дунё миқёсидаги глобаллашув жараёнлари — бир томондан, мамлакатдаги шиддатли ислохотларга, иккинчи томондан, давлат фаолиятига, унинг функциялари мазмун-мо-

ҳиятига жиддий таъсир ўтказмаслигининг асло иложи йўқ. "Бунда давлатларнинг нафақат ташқи функциялари, балки ички функциялари ҳам глобализация жараёнларига бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда".¹²

Кўпгина олимларнинг фикрича, давлатнинг халқаро майдондаги фаолияти (ташқи функцияси) унинг мамлакат иқтисодидаги сиёсатининг, фаолиятининг мантикий давомидир.¹³ Ҳар қандай давлат ўз ташқи фаолиятини амалга оширганда, ўз мамлакатни миллий манфаатларидан, давлатнинг мустақиллигини таъминлаш ва жамиятнинг барқарор ривожланиши эҳтиёжларидан келиб чиқиб ҳаракатланади.

Жамият ҳаётининг эҳтиёжларига кўра, давлат қуйидаги ички функцияларни: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-маданий функцияларни амалга оширади.

Давлатнинг ташқи функциялари — давлат халқаро майдонда олиб борадиган фаолият, унинг асосий йўналишларидир. Бундай фаолият бошқа давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, эҳтимол тутилган ташқи таъвоузлардан мамлакатни муҳофаа қилишни таъминлашдан иборат.

Шундай қилиб, давлат функцияларини классификация қилиш турли асосларда амалга оширилади. Бунда давлат функциялари мазмуни, бажарадиган вазибаси, йўналишига кўра, амалга оширилиши усули ва шакли, давлат фаолиятининг соҳасига кўра тасниф этилади. Янги функцияларнинг келиб чиқиши ва шаклланишида жамият ва давлат олдида давр кўяётган ўткир, кескин, мураккаб вазибалар асосий омил бўлиб ҳисобланади.

¹ Давлат ва хуқуқ назарияси. / проф. Х.Т.Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. - Т., 2009 (электрон дарслик - 2011), 111 - бет.

² Қаранг: Ткачева Г.В. Проблемы обновления социальной функции современного российского государства. Автореф. дисс. ... к.ю.н. - Ставрополь, 2004. - с.5.

³ Нажимов М., Сайдуллаев Ш. Давлат функциялари (рисола). - Т., ТДЮИ. 2004. - 12 - 13-бетлар.

⁴ Қаранг: Проблемы общей теории права и государства / Под общ. ред. акад. В.С.Нерсесянца. - М., 2012. - с.630.

⁵ Қаранг: Бухтарева М.А. Формы реализации функций государства: Автореф. дисс. ... к.ю.н. - М., 2002. - с.17.

⁶ Қаранг: Проблемы общей теории права и государства / Под ред. акад. В.С.Нерсесянца, с.630.

⁷ Қаранг: Лазарев В.В. Функции государства. В кн.: Проблемы общей теории права и государства. - М., 2012. - 631.

⁸ Қаранг: Ткачева Г.В. Проблемы обновления социальной функции современного российского государства. Автореф. дисс. ... к.ю.н. - Ставрополь, 2004. - с.5.

⁹ Қаранг: Исломов З.М. Давлат ва хуқуқ назарияси. - Т., 2007, 286-291-бетлар; Давлат ва хуқуқ назарияси / проф. Х.Т.Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. - 2009, 113-123 бетлар.

¹⁰ Қаранг: Бабаев С.В. Теория функций современного российского государства. Автореф. дисс... к.ю.н. - Н.Новгород, 2001.

¹¹ Теория государства и право / Под ред. В.М.Корельского, В.Д.Перевалова. - М., 1999. - с.273.

¹² Нажимов М.К. Глобаллашув жараёни ва давлат функцияларининг замонавий концепцияси. -ТДЮИ Ахборотномаси, 2012, №4, 10-бет.

¹³ Қаранг: Общая теория государства и права: Академический курс: В 2 х томах. - Т.2. / Отв. Ред. М.Н.Марченко. - М., 1999. - с.200.

Мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш ҳамда ислоҳ этиш жараёни изчил амалга оширилмоқда. Ушбу ислоҳотлар аввало инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, "жамиятимиз олдида турган барча муаммо ва вазифаларни ечишда "Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун" деган теран маъноли фикрни асло унутмаслигимиз керак".¹

Хотин-қизлар ҳуқуқлари

уларни таъминловчи қонун ҳужжатлари ва уларни такомиллаштириш масалалари

Дилдора АНВАРОВА,

Гулистон Давлат университети ўқитувчиси

Шу ўринда инсон ҳуқуқлари қаторида хотин-қизлар ҳуқуқлари муҳим ўринга эга эканини таъкидлаш лозим. Аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш даражаси ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий ривожланганлик ва маънавий мақомини ўзида акс эттиради.

Маълумки, давлатимиз томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлаш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Биринчи Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилингани ва шунга монанд Давлат дастурининг амалга оширилаётгани мамлакатимизда аёллар ҳуқуқларини таъминлашнинг мантқиқий давоми бўлди.

Миллий қонунчилик базасининг асоси бўлган Конституциямизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатланган бўлиб, аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги реал тенглигини таъминлаш ва уларни ҳар жиҳатдан ҳимоя қилиш масалалари бир қатор конституциявий нормаларда ўз ифодасини топган. Жумладан, Асосий қонунимизнинг 46-моддасида: "Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар", деган қоида мустаҳкамланган.

Шунингдек, хотин-қизларнинг давлат бошқаруви тизимидаги ролини ошириш, уларга давлат ва жамият ишларида фаол иштирок этиш учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ва "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунларда ушбу сайловлар жараёнида хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозимлиги белгиланган.

Шунингдек Биринчи Президентимизнинг 1995 йил 2 мартда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" фармони билан Бош вазирнинг ўринбосари ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, жойлардаги хотин-қизлар кўмиталарининг раислари эгаллайдиган ҳоким ўринбосари лавозимлари жорий этилди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида Меҳнат кодексига ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларни — тегишинча уларнинг ҳомиладорлиги ёки боласи борлигини важ қилиб ишга қабул қилмаслик ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этиш деб ҳисобланиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга нисбатан ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмаслиги ва аёллар — эллик беш ёшга тўлган бўлиб, умумий меҳнат стажи йигирма йилдан кам бўлмаган тақдирда ёшга доир пенсия тайинланиши меҳнат қонунчилигида ўз ифодасини топган.

Ўз навбатида, Меҳнат кодексининг 225-моддаси аёллар меҳнати қўлланилиши тақиқланадиган ишлар рўйхати, улар кўтариши мумкин бўлган юкларнинг энг кўп миқдорлари белгилаб қўйилишини назарда тутади. Шунга кўра, Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 январда 865-сон билан рўйхатга олинган "Аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланилиши тақиқланадиган меҳнат шaroити ноқулай бўлган ишлар рўйхати" тасдиқланган бўлиб, бундай чеклаш аёллар саломатлиги, репродуктив салоҳиятини муҳофаза қилиш, оналик ва-зифасини самарали бажарилишини таъминлаш мақсадларига қаратилган.

Болалик аёлларга қонун ҳужжатларига му-

вофиқ қисқартирилган иш вақти жорий этилгани ҳам уларга берилган қўшимча кафолатлардан саналади. Масалан, 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган "Хотин-қизларга бериладиган қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, бюджетдан таъминланадиган уч ёшга етмаган оналарнинг ҳафталик иш вақти 35 соатдан кўп бўлмаслиги лозим.

Шунингдек, солиқ қонунчилигида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ва уларга бериладиган имтиёзлар бўйича қатор нормалар мавжуд бўлиб, жумладан, ўн нафар ва ундан ортиқ боласи бор аёлларнинг мулкида бўлган мол-мулкка жисмоний шахсларнинг мол-мулкка солинадиган солиқ солинмайдиган. Қолаверса, даромадларнинг алоҳида турларига солинадиган солиқ ставкаларида меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадларидан солиқ олиш даражаси 20 фоиздан ошмаслиги лозимлиги² белгиланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда давлат бошқаруви ва жамият ҳаёти муносабатларини тартибга солиб турувчи асосий восита — қонун ҳужжатлари ҳисобланади. Қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қонунлар сифатини оширишнинг энг муҳим мезони мазкур ҳужжатларда жамият ҳаётининг реал ижтимоий-иқтисодий, сиёсий қонуниятларининг акс этишидир.

Мазкур мезон ижтимоий тараққиёт мақсадларга эришишнинг ҳуқуқий воситаларини кўрсатиб бериши билан аҳамиятлидир. Қонун ҳужжатларининг ижтимоий ҳаётнинг объектив талаблари, мақсад ва воситаларига мувофиқлигини аниқлашнинг ягона йўли унинг халқаро ҳуқуқ нормалари, Конституция ва қонунларда белгилаб берилган тамойилларга мослигини аниқлаш ҳисобланади.

Ана шу талабдан келиб чиқиб, хотин-қизлар ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминловчи қонунчилик тизимининг ривожланиши ва асосий йўналишлари ҳамда истиқболдаги вазифалари юзасидан илмий-назарий муаммоларни таҳлил қилиш ва халқаро тажрибани ўрганиш асосида миллий қонунчиликнинг бир неча тармоқлари бўйича қуйидаги таклифларни тавсия этишни лозим топдик:

Давлат бошқаруви қонунчилиги. Маълумки, 2014 йилнинг декабр ойида бўлиб ўтган Олий Мажлисга сайловлар натижасига кўра, Қонунчилик палатасининг депутатлигига 535 нафар рўйхатга олинган номзодлар орасида хотин-қизлар 32 фоизни ташкил этган. Олий Мажлис Сенати аъзолига

сайланганларнинг 17 фоизи хотин-қизлардан иборат. Шунингдек, мамлакатимизда ижро ҳокимияти органларининг олий раҳбарлик лавозимларида аёлларнинг улуши 14,3 фоизни ташкил этади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тайинланган ва сайланган аёллар 17,1 фоизни ташкил этади.³

Шу маънода келгусида давлат бошқаруви органлари тизими, шунингдек, вакиллик органларига сайловларда хотин-қизларга қўшимча ўринлар ажратиш бўйича тегишли қонун ҳужжатларини такомиллаштириш лозим, деб ўйлаймиз. Бундай қадам мамлакатимизда амалга ошириладиган демократик ўзгаришларга тўлиқ мос ҳолда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, оила, жамият ва давлат ишларида тутажақ ўрни ва нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Оила қонунчилиги. Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек, қиз болани коллежни битирмасидан, хунар эгалламасидан туриб, турмушга бериш узоқни кўрмаслик, калтабинликдир. Қиз бола, аввало, касб эгалласин, ўз фикрига эга бўлсин, ҳаётни ангалласин. Шундан кейин у ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топади, жамиятимизнинг фаол аъзосига айланади.⁴ Шу нуқтаи назардан, оила қонунчилигида қиз болалар учун "никоҳ ёши"ни йигирма ёш этиб белгилаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Тадбиркорлик қонунчилиги. Бугунги кунда мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган устувор масалалардан биридир. Ҳозирги кунга қадар бу соҳада 110 дан ортиқ қонун, Президентимизнинг 100 дан зиёд фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 200 дан ортиқ қарори қабул қилинган.⁵

Айни чоғда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, хотин-қизлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни амалга оширишлари ҳамда уларга бу борада имтиёзлар яратиш бўйича алоҳида қонун ҳужжатлари ҳалигача ишлаб чиқилмаган.

Бундай бўшлиқ, ўз навбатида, юртимиз хотин-қизлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни амалга оширишларини таъминловчи махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишни тақозо этади.

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари - энг олий кадрият // Халқ сўзи. 2005 йил 8 декабрь.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон.

³ Қаранг: Перечень тем и вопросов в связи с рассмотрением пятого периодического доклада Узбекистана. (62-ой сессия Комитета ООН по ликвидации дискриминации в отношении женщин. 26 октября - 20 ноября 2015 года) // <http://www.un.org>

⁴ <http://www.press-service.uz> (Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати).

⁵ Изох: <http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)-маълумотларига асосан берилмоқда.

Гиёҳвандликнинг салбий ижтимоий ҳодиса сифатидаги оқибатлари

Тиббий адабиётларда гиёҳвандлик тушунчасига турли хил таъриф берилган. Хусусан, психиатрия маълумотномасида гиёҳвандлик деганда, табиий ёки сунъий заҳарли моддалар (айрим дори препаратлари, озик ва саноат заҳарлари)ни давомли истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган вақтинчалик ёки сурункали заҳарланиш ҳолати тушунилади.¹ Айни ҳолда гиёҳвандлик тушунчасининг мазмунига ҳар қандай заҳарли моддаларни истеъмол қилиш ва бунинг натижасида келиб чиқадиган ҳам сурункали, ҳам вақтинчалик заҳарланиш ҳолати киритилган.

М. ҲРАЗАЛИЕВ,

*Тошкент давлат юридик университети
катта илмий ходим изланувчиси*

Айрим олимлар "гиёҳвандлик" атамасини таркибида гиёҳвандлик моддалари мавжуд бўлган дори воситаларини ва гиёҳвандлик воситаларини ўсиб борувчи миқдорда доимий равишда истеъмол қилишга мойилликда намоён бўладиган касалликларнинг умумий номи сифатида талқин қилиш лозимлигини қайд этганлар.² Айни ҳолда гиёҳвандлик таркибида гиёҳвандлик моддалари мавжуд бўлган дори воситаларини истеъмол қилиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган касаллик сифатида ҳам тавсифланади.

Бундан ташқари мамлакатимизда 1999 йил 19 августда қабул қилинган "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги қонунда³ гиёҳвандлик (наркомания) тушунчасига гиёҳвандлик воситаларига рухий-жисмоний қарамлик билан боғлиқ касаллик, деган таъриф берилган.

Аммо гиёҳвандлик юзасидан юқорида қайд этилган таърифларни мукамал деб айтиш қийин. Биз-

нингча, гиёҳвандлик тушунчасига қуйидагича таъриф берилса, мақсадга мувофиқ бўлади: "Гиёҳвандлик — гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни нотиббий мақсадларда истеъмол қилиш туфайли юзага келадиган мазкур моддалар ва воситаларга жисмоний ва рухий қарамликда келадиган ижтимоий-салбий ҳодиса (касаллик)дир".

Айтиш керакки, гиёҳвандлик касаллигига йўлиққан беморларда кузатиладиган ўзгаришлар қарамлик психофизиологик механизмлари билан бир қаторда, гиёҳвандлик воситаларининг заҳарли таъсири натижасида асаб тизимининг органик шикастланиши билан ҳам боғлиқдир.

Хусусан, морфинизмда шахснинг феъл-атвори аста-секин ўзгаради, у такаббур, ёлғончи бўлиб қолади, қизиқишлари доираси тораяди ва фақат гиёҳвандлик воситаларини қўлга киритишдан иборат бўлади. Кайфияти жиззакиликдан тўлиқ апатия, бифарқликкача бўлган доирада ўзгаради. Бундай йўлга кирган

кимсалар гиёҳвандлик воситаларини қўлга киритиш учун сохтакорлик, ўғрилик ва бошқа жиноятларга қўл урадилар. Абстиненция ҳолатида улар ўзгаларга таҳдид соладилар, ҳақорат қилдилар, агрессив хуржлар ва ўзини ўзи ўлдиришга уринишларга қодир бўладилар.⁴

Марихуана (гашиш, наша)ни узоқ муддат истеъмол қилганда бундай шахслар ҳамма нарсага ишончсизлик билан қарайдиган, ҳаммадан шубҳа қиладиган, қаттиқ кек сақлайдиган бўлиб қоладилар. Героин гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилганда неврологик бузилишларнинг ривожланиши ҳақида маълумотлар мавжуд.⁵

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар алкоғолли ичимликларга нисбатан киши организмига бир неча баробар кучли салбий таъсир кўрсатади. Алкоғолга жисмоний қарамлик уни сурункали равишда истеъмол қила бошлагандан кейин орадан 7-15 йил ўтгач, шакланса, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилувчи шахсларда бундай қарамлик бир ярим — икки ойдан кейин вужудга келади. Гиёҳвандлик воситаларини қа-

бул қилиш натижасида шахснинг тубанлашуви алкоғолни истеъмол қилиш билан таққослаганда йигирма баравар тез юз беради.⁶ Гиёҳвандлик шахс ўз ҳаракатларини англаш ва уларни бошқариш қобилиятини бутунлай йўқотишига сабаб бўладиган жисмоний ва руҳий деградацияга олиб келади.⁷

Гиёҳвандлик воситаларидан мунтазам равишда захарланиш натижасида организм фаолияти, унинг барча жисмоний ва руҳий функциялари аста-секин издан чиқа бошлайди. Гиёҳвандларга барвақт ўлим таҳдид солади. Масалан, Россия Федерациясида ҳар йили гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишдан 30 ёшга тўлмаган 75 минг киши вафот этади. Сўнгги 20 йил давомида гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишдан вафот этганлар сони 12 баравар, болалар орасида эса — 4-5 баравар кўпайган.⁸

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига кўра, 2010 йилда 18 939, 2011 йилда 18 193, 2012 йилда 17 234, 2013 йилда 16 044, 2014 йилда 14 669 нафар беморлар наркологиya билан диспансер назоратида турганлар.⁹ Бундай назоратдагиларнинг 3-4 фоизини аёллар ташкил этаётганлиги ниҳоятда ачинарлидир.

Айтиш керакки, гиёҳвандликнинг ижтимоий за-

рари, энг аввало, қайд этиб ўтилган тиббий омиллар билан боғлиқ. Бу, авваламбор, шунда намоён бўладики, жисмоний ва ақлий тубанликка юз тутган гиёҳванд амалда жамият учун бой берилган одамга айланади. У тўлақонли меҳнат фаолияти билан шуғуллана олмайди, бошқа ижтимоий вазифаларни лозим даражада бажариш (Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўташ, бошқарув фаолиятини амалга ошириш, давлатнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиш ва ҳақозалар)га ҳам қодир бўлмайди. Қолаверса, гиёҳвандликнинг ривожланиши шахснинг маънавий ва ижтимоий деградациясига сабаб бўлади.

Гиёҳвандликнинг ижтимоий зарари яна шунда ҳам намоён бўладики, унинг тарқалиши жамиятга жуда катта моддий зарар етказиши мумкин. Гиёҳвандларни даволаш ва реабилитация қилиш давлат ва жамиятдан кўп миқдорда моддий харажатларни талаб қилади.

Бундан ташқари гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилувчилар лозим даражада унумли бўлмаган меҳнати билан иқтисодиётга жиддий зиён етказиши мумкин. Улар ўз иш жойида эйфория ёки абстиненция ҳолатида пайдо бўлиши авариялар, ҳалокатлар, технологик жараёнларнинг издан чиқиши ва ҳоказоларга олиб келиши мумкин. Ниҳоят, мамлакатда гиёҳванд-

ликни ва у билан боғлиқ жиноятчиликни тийиб туришга қаратилган ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш ва ҳуқуқий чораларни қўллаш ҳам жуда катта харажатларни талаб қилади.

Гиёҳвандлик криминоген омил бўлиб, бунда мазкур ҳодиса тавсифининг ҳуқуқий жиҳати намоён бўлади. Бир томондан, бу гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни но-тиббий мақсадларда истеъмол қилиш жинойи хулқ-атворни рағбатлантирувчи омил ҳисобланиши билан белгиланади.

Эйфория ҳолати гиёҳвандлар томонидан энг аввало, шахсга қарши (одам ўлдириш, баданга шикаст етказиш, номусга тегиш ва бошқалар) ва жамоат тартибига қарши (безорилик, вандализм) жиноятлар содир этилишига сабаб бўлади. Айни ҳолат шу билан белгиланадики, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг айрим турлари таъсирида шахснинг тубан инстинктлари кучаяди, агрессивлик, дарғазаблик сингари хусусиятлари намоён бўлади.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилиш шахснинг ривожланиши ва комил инсон бўлиб шаклланишига салбий таъсир кўрсатишини эътиборга олсак, бу иллатга қарши муросасиз курашиш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.

¹ Справочник психиатрии / Под ред. А.В.Снежневского. - М., 1974. - С. 147.

² Бабаян Э.А., Гонопольских М.Х. Наркология. - М., 1987. - С. 182.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 210-модда.

⁴ Носачев Г.Н., Тютина Г.М. Смерть при жизни. Легальные и нелегальные наркотики. - Самара, 1998. - С. 26-31.

⁵ Маршак Я.И., Новиков А.В., Вороненко П.А., Каменская А.И. Реабилитация пациентов с наркотической зависимостью // Южно-Российский медицинский журнал. 2001. №3-4. - С. 21.

⁶ Ткачевский Ю.М. Правовые аспекты борьбы с наркоманией и алкоголизмом. - М., 1990. - С. 13-14.

⁷ Благоев Л.Н. Аффективные расстройства при опийной наркомании: Автореф. дисс. ...канд. мед. наук. - М., 1994. - С. 24.; Пятницкая И.Н. Наркомании. - М., 1994. - С. 79-91.

⁸ Наркомания в России: Угроза нации. Изложение аналитического доклада, подготовленного Советом Государственной Думы Российской Федерации по внешней и оборонной политике. // Российская газета. 1998. 3 марта.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларидан, 2015 йил.

Умумий юрисдикция судлари судьяларининг Олий малака ҳайъати қарорлари билан қуйидаги судьяларга малака даражалари берилди

2016 йил 2 чорак

№	Ф.И.Ш.	Лавозими	Малака даражаси ва берилган санаси
1.	Ниязов Спартак Базарбаевич	Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Қўнғирот туманлараро судининг раиси	01.04.2016 йил 4 малака даражаси
2.	Керимбаев Абдимурат Каржаубаевич	Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг судьяси	01.04.2016 йил 4 малака даражаси
3.	Рамазонов Шавкатбек Халимович	Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси	01.04.2016 йил 5 малака даражаси
4.	Мадаминов Дилмурод Абдумаликович	Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти Чортоқ туман судининг раиси	01.04.2016 йил 5 малака даражаси
5.	Абдуллаев Қобулжон Ғулумжон ўғли	Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Косон туман судининг судьяси	01.04.2016 йил 5 малака даражаси
6.	Эргашев Бобиржон Обиджонович	Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти Мингбулоқ туман судининг раиси	19.04.2016 йил 5 малака даражаси
7.	Курбанов Бобошер Хидирович	Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди раисининг ўринбосари	22.04.2016 йил 2 малака даражаси
8.	Мусурманкулов Анарбой Назаркасымович	Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг судьяси	22.04.2016 йил 2 малака даражаси
9.	Кошаева Сайёра Режипбаевна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг судьяси	22.04.2016 йил 2 малака даражаси
10.	Болиев Шарофиддин Облакулович	Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси	22.04.2016 йил 4 малака даражаси
11.	Шукуров Анвар Исламович	Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманлараро судининг судьяси	22.04.2016 йил 4 малака даражаси
12.	Шамалбетов Шарафат Досмамбетович	Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Чимбой туман судининг раиси	22.04.2016 йил 4 малака даражаси
13.	Шамуратов Илхам Атамуратович	Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Қораўзак туман судининг раиси	22.04.2016 йил 4 малака даражаси
14.	Олмосов Эгамберди Шодмонкулович	Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти Зомин туман судининг раиси	22.04.2016 йил 4 малака даражаси
15.	Аширкулова Феруза Хамзаевна	Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг судьяси	22.04.2016 йил 4 малака даражаси
16.	Гофуров Музаффар Мирзажонович	Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти Норин туман судининг раиси	22.04.2016 йил 4 малака даражаси
17.	Абдурахимова Матлюба Каримовна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Чирчиқ туманлараро судининг судьяси	22.04.2016 йил 4 малака даражаси
18.	Хакимова Нодира Жалаловна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туманлараро судининг судьяси	22.04.2016 йил 4 малака даражаси
19.	Хакимов Даниёр Бахтиёрлович	Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти Чуст туманлараро судининг судьяси	18.05.2016 йил 4 малака даражаси
20.	Муродов Акмал Анварович	Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судининг судьяси	18.05.2016 йил 2 малака даражаси
21.	Мамарахимов Аскар Махаммадович	Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг судьяси	18.05.2016 йил 2 малака даражаси

22.	Назаров Зафар Сафарбоевич	Жинойт ишлари бўйича Сирдарё туман судининг раиси	18.05.2016 йил 2 малака даражаси
23.	Бобомирзаев Мухаммадсобир Мухаммадкодирович	Жинойт ишлари бўйича Андижон вилояти Хонобод шаҳар судининг раиси	18.05.2016 йил 3 малака даражаси
24.	Султанова Муяссар Қаххаровна	Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судининг судьяси	18.05.2016 йил 3 малака даражаси
25.	Файзиева Нодира Рахимовна	Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти Зарбдор туманлараро судининг раиси	18.05.2016 йил 3 малака даражаси
26.	Балтабаев Арысланбек Джолдасович	Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлараро судининг раиси	18.05.2016 йил 3 малака даражаси
27.	Джураев Джахангир Бахтиярович	Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси	18.05.2016 йил 3 малака даражаси
28.	Илхомжонов Одилбек Илхомжон ўғли	Тошкент ҳарбий округ ҳарбий суди раисининг ўринбосари	18.05.2016 йил 3 малака даражаси
29.	Усаров Лочин Махмудович	Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ ҳарбий судининг судьяси	18.05.2016 йил 3 малака даражаси
30.	Эрматова Зухраҳон Масировна	Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг судьяси	18.05.2016 йил 4 малака даражаси
31.	Ҳакимов Ҳамдамжон Адхамжон ўғли	Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг судьяси	18.05.2016 йил 4 малака даражаси
32.	Мамадиев Уктам Алмирзаевич	Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Денов туманлараро судининг судьяси	18.05.2016 йил 4 малака даражаси
33.	Пардаев Фазлиддин Шамсиевич	Жинойт ишлари бўйича Жиззах вилояти Арнасой туман судининг раиси	18.05.2016 йил 4 малака даражаси
34.	Набиев Отабек Олимджонович	Жинойт ишлари бўйича Сирдарё вилояти Оқолтин туман судининг раиси	18.05.2016 йил 4 малака даражаси
35.	Мирзакаримов Шухратбек Иброхимович	Жинойт ишлари бўйича Андижон вилояти Марҳамат туман судининг судьяси	18.05.2016 йил 4 малака даражаси
36.	Ҳожаев Хурсанд Аминбаевич	Жинойт ишлари бўйича Хоразм вилояти Хазорасп туман судининг судьяси	18.05.2016 йил 4 малака даражаси
37.	Давлатова Мавжуда Баратовна	Жинойт ишлари бўйича Самарқанд вилояти Жомбой туман судининг раиси	18.05.2016 йил 4 малака даражаси
38.	Дониёров Илёс Абдуҷабборович	Жинойт ишлари бўйича Самарқанд вилояти Ургут туман судининг судьяси	18.05.2016 йил 4 малака даражаси
39.	Алиқулов Баҳодир Арсланович	Жинойт ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси	18.05.2016 йил 4 малака даражаси
40.	Холиқулов Зафар Шодиевич	Жинойт ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси	18.05.2016 йил 4 малака даражаси
41.	Тўхтаев Шухрат Амонжонович	Жинойт ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг судьяси	18.05.2016 йил 4 малака даражаси
42.	Абидов Мирзиёд Мирджололитдинович	Жинойт ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг судьяси	18.05.2016 йил 5 малака даражаси
43.	Эргашев Баҳодиржон Бахтиёрович	Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманлараро судининг судьяси	18.05.2016 йил 5 малака даражаси
44.	Мухамедова Ирода Эргашевна	Жинойт ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси	03.06.2016 йил 2 малака даражаси
45.	Қосимов Хуршид Искандарович	Жинойт ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг судьяси	03.06.2016 йил 2 малака даражаси
46.	Абдураззаков Абдусаттор Азаматович	Жинойт ишлари бўйича Сирдарё вилояти Ховос туман судининг раиси	03.06.2016 йил 2 малака даражаси
47.	Хайдаров Фахриддин Зиёдуллаевич	Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят суди раисининг ўринбосари	03.06.2016 йил 3 малака даражаси
48.	Юлдошев Сухроб Шарифович	Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг судьяси	03.06.2016 йил 3 малака даражаси
49.	Шералиев Асроржон Максудович	Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти Асака туманлараро судининг судьяси	03.06.2016 йил 4 малака даражаси
50.	Иматов Дилшод Сайдуллаевич	Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти Учқўрғон туманлараро судининг судьяси	03.06.2016 йил 4 малака даражаси
51.	Тавбаев Шавкат Кучкарович	Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманлараро судининг судьяси	03.06.2016 йил 4 малака даражаси

52.	Хушваков Азамат Ибрагимович	Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Қарши туманлараро судининг судьяси	03.06.2016 йил 4 малака даражаси
53.	Бекназаров Ойбек Нормуродович	Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Қарши туманлараро судининг судьяси	03.06.2016 йил 4 малака даражаси
54.	Ақанов Саттор Қобилович	Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Касби туманлараро судининг судьяси	03.06.2016 йил 4 малака даражаси
55.	Нематиллаев Урал Холмуродович	Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Чироқчи туман судининг судьяси	03.06.2016 йил 4 малака даражаси
56.	Ахмедов Мамадали Қазокбойевич	Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туман судининг судьяси	03.06.2016 йил 4 малака даражаси
57.	Туйчиев Мухаммаджон Пазилджанович	Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Хўжабод туман судининг судьяси	03.06.2016 йил 4 малака даражаси
58.	Нарзулаев Абдурасул Абдулаевич	Тошкент ҳарбий округ ҳарбий судининг судьяси	03.06.2016 йил 4 малака даражаси
59.	Ахмедов Улуғбек Назруллаевич	Термиз ҳарбий судининг судьяси	03.06.2016 йил 4 малака даражаси
60.	Хайдаров Мирзоҳид Худойназарович	Термиз ҳарбий судининг судьяси	03.06.2016 йил 4 малака даражаси
61.	Кузыбаев Ином Рахматович	Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг судьяси	18.06.2016 йил 4 малака даражаси
62.	Мирзамахмудов Отабек Турсунпулатович	Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди раисининг ўринбосари	18.06.2016 йил 2 малака даражаси
63.	Элмуратов Анвар Нормуратович	Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг судьяси	18.06.2016 йил 2 малака даражаси
64.	Исматуллаева Дилрабоҳон Иброҳимовна	Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти Марғилон туманлараро судининг раиси	18.06.2016 йил 3 малака даражаси
65.	Камолов Зоир Тойирович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг судьяси	18.06.2016 йил 4 малака даражаси

ФУҚАРОЛИҚ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

Суд қарорини янги очилган ҳолат бўйича бекор қилиб, ишни янгидан қайта кўришда амалдаги қонун талабларига рио қилинмаганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилинди.

Даъвогар Т.туман прокурори Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси С.вилояти ҳудудий бошқармаси манфаатини кўзлаб судга даъво аризаси билан мурожаат қилган. Жумладан, даъво аризасида жавобгарлар "Нуртоп" хусусий меҳмонхонаси ва бошқаларга нисбатан "Республика Мулк аукциони" давлат унитар корхонаси С.вилоят филиалининг 2008 йил 25 январдаги танлов комиссияси йиғилиши баённомасини, вилоят давлат мулк бошқармасида 2008 йил 28 январда рўйхатга олинган 01 ва 02-сонли олди-сотди шартномаларини, вилоят давлат мулки бошқармасининг 2008 йил 28 январдаги 01-сонли ва 2010 йил 11 июндаги 106-сонли буйруғини, 2010 йил 18 майдаги инвестиция мажбуриятлари бажарилганлиги тўғрисидаги 01-сонли йиғилиш баённомасини ва 2010 йил 11 июндаги 15-сонли мулк ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордерини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Туманлараро судининг 2014 йил 19 июндаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилиб, "Республика Мулк аукциони" давлат унитар корхонаси С.вилоят филиалининг 2008 йил 25 январда ўтказилган танлов комиссияси йиғилиш баённомаси қарори, вилоят мулк бошқармасида рўйхатга олинган 01-02-сонли олди-сотди шартномалари, бошқарманинг 2008 йил 28 январдаги 01-сонли буйруғи, 2010 йил 18 майдаги инвестиция мажбуриятлари бажарилганлиги тўғрисидаги 01-сонли йиғилиш баённомаси, 2010 йил 11 июндаги 106-сонли буйруғи ва 2010 йил 11 июнда берилган 15-сонли мулк ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери ҳақиқий эмас, деб топилган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2014 йил 23 октябрдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Туманлараро судининг 2015 йил 2 октябрдаги ажрими билан Б.Холмирзаевнинг суд қарорини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилиб, суднинг 2014 йил 19 июндаги ҳал қилув қарори бекор қилинган.

Туманлараро судининг 2015 йил 10 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар Т.туман прокурорининг даъво талаблари рад қилинган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2016 йил 10 мартдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2016 йил 7 июндаги ажрими билан иш бўйича чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, суд қарорини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриш ҳақидаги ариза рад қилинган.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"ги 13-сонли қарори 3-бандида ҳал қилув қарорида иш учун ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳамма ҳолатлар баён этилган, тегишли далиллар келтирилган ва иш бўйича аниқланган ҳолатлар ҳамда тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари бўйича тўғри ҳулосага келинган тақдирдагина, у асосли бўлиб ҳисобланиши кўрсатилган.

Иш ҳужжатларига кўра, "Республика Мулк аукциони" давлат унитар корхонаси С.вилоят филиалида 2008 йил 25 январда ўтказилган танлов савдоси баённомаси қарорига кўра, "Хўжанд" шифохонаси бино ва иншоотларини 255.000.000 сўмга сотиб олиш ва 80.000.000 сўм инвестиция кириштириш таклифи билан "Нуртоп" хусусий меҳмонхонаси ғолиби деб топилган.

Т.туман прокуратураси томонидан "Хўжанд" шифохонасининг хусусийлаштириш жараёни ўрганилганда, танловда қатнашган иштирокчи Б.Ёқубжонов "Нуртоп" хусусий меҳмонхонаси таъсисчиси Б.Холмирзаевнинг отаси М.Холмирзаевнинг таниши эканлигини, танловда қатнашиш учун мақсад ва маблағи бўлмаганлигини, танловда қатнашиш учун 38.000.000 сўм бадал пулини рақиб томони, яъни М.Холмирзаев тўлаганлигини, танловда номигагина қатнашганлигини билдирган.

Шу сабабли суд танловда Б.Ёқубжонов келишув асосида қатнаштирилганига асосланиб, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш ҳақида ҳулосага келган.

Шундан сўнг "Нуртоп" хусусий меҳмонхонаси таъсисчиси Б.Холмирзаев судга ариза билан мурожаат қилиб, Б.Ёқубжонов ўзи томонидан пул тўламаган бўлса-да, ўзи танловда қатнашганлигини ҳамда унинг номидан тўлдирилган ариза ва бошқа ҳужжатлардаги ёзув ва имзоларга нисбатан

суд-хатшунослик экспертизаси тайинлаб, аниқлик киритишни билдириб, суд қарорини янги очилган ҳолат бўйича бекор қилиб, ишни янгидан кўришни сўраган.

Биринчи инстанция суди ушбу ҳолатлар Фуқаролик процессуал кодексининг 362-моддасида қайд этилган бирор-бир асосга мос келмаслигини эътиборга олмасдан, танловда икки шахс қатнашган ва ҳақиқий эмас, деб топилган олди-сотди шартномаларига Фуқаролик процессуал кодексининг 114-моддаси талаблари қўлланилмаган деб, суд қарорини асоссиз равишда бекор қилган.

6-350-16-сонли ажрим

Баён қилинган хулосалар иш ҳолатларига мувофиқ келмаганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилиниб, даъво рад этилди.

Даъвогар Х.Абраев жавобгарлар Б.туман ҳокимлиги ва Г.Жўраевларга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилган. Жумладан, даъво аризасида Б.тумани "Чинор" қишлоғи ҳудудидаги 375,84 кв.м ер майдонида жойлашган пахтаҳона биносини 2008 йил 29 январда сотиб олганлигини, туман ҳокимининг 2013 йил 19 апрелдаги 715-К-сонли қарори билан 0,18 га ер майдони сотиб олган бинога бириктириб берилганлигини, жавобгар Г.Жўраевга тумандаги "Обод" қишлоқ фуқаролар йиғинининг 2007 йил 5 декабрдаги 21-сонли ва Б.туман ҳокимининг 2008 йил 5 февралдаги 122-К-сонли қарори билан савдо дўкони қуриш учун 0,02 га ер майдони қонунга зид равишда ажратилганлигини, прокурорнинг протестига асосан Б.туман ҳокимининг 2015 йил 7 июлдаги 883-К-сонли қарори билан туман ҳокимининг 2013 йил 19 апрелдаги 715-К-сонли қарори бекор қилиниши натижасида қонуний ҳуқуқлари бузилганлигини билдириб, Б.туман ҳокимининг 2015 йил 7 июлдаги 883-К-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Туман судининг 2015 йил 19 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2016 йил 7 январдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2016 йил 5 июлдаги ажрими билан иш бўйича чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, Б.туман ҳокимининг 2008 йил 5 февралдаги 122-К-сонли қарори билан "Обод" қишлоқ фуқаролар йиғини,

"Чинор" маҳалласидан Г.Жўраевга савдо дўкони қуриш учун 0,02 га ер майдони ажратилган.

Х.Абраев 2008 йил 21 январда ўтказилган 5/9-сонли электрон савдо баённомаси ва шу кунги олди-сотди шартномасига асосан Б.тумани, "Чинор" қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 375,84 кв.м пахтаҳона биносини(ер майдонисиз) сотиб олган.

Б.туман ҳокимининг 2013 йил 19 апрелдаги 715-к-сонли қарори билан 0,18 га ер майдони сотиб олинган пахтаҳона биносига бириктириб берилган.

П.туман прокуратураси томонидан мазкур қарорни бекор қилиш ва қонунга мувофиқлаштириш ҳақида протест келтирилган.

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалалари билан шуғулланувчи комиссиянинг 2015 йил 6 июлдаги хулосасида Г.Жўраевга ажратилган 0,02 га ер майдонига янглишиш туфайли шу ҳудуддаги 0.16 га ер майдонига кўшилиб, жами 0,18 га ер майдони туман ҳокимининг 2013 йил 19 апрелдаги 715-сонли қарори билан Х.Абраевга ажратиб берилганлиги баён этилган.

Б.туман ҳокимининг 2015 йил 7 июлдаги 883-К-сонли қарори билан прокурор протести қаноатлантирилиб, туман ҳокимининг 2013 йил 19 апрелдаги 715-к-сонли қарори бекор қилиниб, қонунга мувофиқлаштирилган.

Биринчи инстанция суди Б. туман ҳокимининг 2015 йил 7 июлдаги 883-К-сонли қарори билан туман ҳокимининг 2013 йил 715-сонли қарори қайси қонунга мувофиқлаштирилганлиги кўрсатилмаганига, қарорнинг 2-бандида даъвогар Х.Абраевга умуман алоқаси бўлмаган 2013 йил 2 сентябрдаги 1279-сонли қарор бекор қилиниши натижасида даъвогарнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатлари бузилганлигига асосланиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Чунки суд Х.Абраев Б.тумани, "Чинор" қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 375,84 кв.м пахтаҳона биносини ер майдонисиз сотиб олган бўлса-да, ҳокимият томонидан унга бошқа ер майдони бириктириб берилиши мумкин эмаслигига эътибор қаратмаган.

Шунингдек, апелляция инстанцияси шикоятга илова қилинган Б. туман ҳокимининг 2015 йил 7 июлдаги 883-К-сонли қарори билан туман ҳокимининг 2013 йил 715-сонли қарори бекор қилинганлигига тегишли ҳуқуқий баҳо бермасдан, биринчи инстан-

ция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этмасдан, суд қарорини асоссиз равишда ўзгаришсиз қолдирган.

6-447-16-сонли ажрим

Суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсга хабар берилмаслиги, ишда қатнашишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир масалани ҳал қилинганлиги сабабли суд қарори бекор қилинди.

Даъвогар О.Саидова жавобгар Э.Каримовга нисбатан судга даъво аризаси билан муурожаат қилиб, икки нафар фарзандини ўзининг тарбиясига олиб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2015 йил 18 августдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво рад қилинган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2015 йил 22 сентябрдаги ажрими билан суд қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2016 йил 26 январдаги ажрими билан иш бўйича чиқарилган суд қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўришга юборилди.

Аниқланишича, О.Саидова билан Э.Каримов 2006 йилда шаърий никоҳдан ўтган ҳолда оила қуришган, никоҳлари 2007 йил 16 майда қонуний расмийлаштирилган.

Биргаликдаги турмушларидан 2007 йил 12 июнда туғилган Севинч, 2008 йил 7 июнда туғилган Ситора, 2010 йил 15 декабрда туғилган Мафтуна ва 2012 йил 10 июнда туғилган Улдон исмли фарзандлари бор.

Тарафлар ўзаро келишмовчиликлар туфайли 2014 йил июн ойидан алоҳида яшаб келишган, фарзандларидан Мафтуна ва Улдон онаси О.Саидованинг, Севинч ва Ситора эса, отаси Э.Каримовнинг қарамоғида қолган.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 23-сонли қарори 3-бандига кўра, суд бошқа-бошқа турадиган ота-оналар ўртасида бўлган, уларнинг қайси бири билан қайси боласи яшаш учун қолиши тўғрисидаги низоларни ҳал этишда Оила кодексининг 71-моддасида белгиланган ота ва онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглигига асосланган ҳолда, вояга етмаган болаларнинг манфаатларига ва хоҳишларига мос келадиган ҳал қилув қарори чиқариши лозим.

Б.туман ҳалқ таълими муассасалари

фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими қошидаги васийлик ва ҳомийлик органининг хулосасида тарафларнинг ҳар иккаласида болалар тарбияси учун шароит етарли эканлиги кўрсатилган.

Апелляция инстанцияси суд қарорини бекор қилиб, янги қарор чиқаришда, суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган жавобгар Э.Каримовни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилмасдан, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир масалани ҳал қилган.

Оила кодексининг 88-моддасига кўра, суд томонидан болалар тарбияси билан боғлиқ низолар кўрилатганда, боланинг ҳимояси учун ким даъво тақдим қилганлигидан қатъий назар, ишда иштирок этиш учун васийлик ва ҳомийлик органи жалб қилиниши керак.

Аммо ишда иштирок этиш учун васийлик ва ҳомийлик органи жалб қилинмасдан даъвони қаноатлантириш ҳақида асоссиз хулосага келинган.

6-44-16-сонли ажрим

Суд битимни ҳақиқий деб топишда амалдаги қонун талабларига риоя қилмаганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилиниб, даъво рад этилди.

Даъвогар Б.Ҳасанов жавобгар А.Мусаевга нисбатан судга даъво аризаси билан муурожаат қилиб, унда автомашина сотиб олиш ниятида бўлганлигини, таниши С.Акрамов унга жавобгар А.Мусаев автомашинасини сотмоқчи эканлигини айтганлигини, у С.Акрамов, М.Тўраев, Б.Мамадиёров билан биргаликда жавобгарни уйига бориб "Матиз" русумли автомашинани 9 000 АҚШ долларига савдолашганликларини, ўзи А.Мусаевга гувоҳлар иштирокида келишилган суммани берганлигини ва бу ҳақда тилхат ёздириб олганлигини, бунга автомашинани сотиб олишганига бир йил тўлмаганлиги сабаб бўлганлигини, кейинчалик расмийлаштириб беришга келишганлигини қайд этиб, ўзи ва А.Мусаев ўртасида низоли "Матиз" автомашинаси бўйича тузилган олди-сотди битимини ҳақиқий деб топишни сўраган.

Туманлараро судининг 2015 йил 27 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра, Б.Ҳасановнинг даъво талаби қаноатлантирилиб, Б.Ҳасанов ва А.Мусаевлар ўртасида "Матиз" русумли 40 D 849 JA белгили автомашина бўйича 2013 йил 21 августда тузилган олди-сотди битими ҳақиқий деб топилган.

Жавобгар А.Мусаевдан давлат фойдасига 4.482.360 сўм давлат божи ундирилган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2015 йил 2 июндаги ажрими билан суд қарори ўзгартирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2016 йил 19 июлдаги ажрими билан иш бўйича чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, мазкур даъвои рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилди.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Н.Вилояти ИИБ ЙХДБ 1-ТРИБ томонидан 2013 йил 4 майда берилган техник паспортга кўра, "Матиз" русумли, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами белгиси 40 D 849 JA бўлган автомашина жавобгар А.Мусаевнинг номига давлат рўйхатига олиниб, гувоҳнома берилган.

Биринчи инстанция суди даъвогар Б.Ҳасановнинг даъво талабларини қаноатлантириш ҳақидаги хулосага келишда низога Фуқаролик кодексининг 112-моддаси 2-қисмини қўллаб, тарафлар ўртасида автомашина олди-сотдиси бўйича тузилган ёзма тилхат мавжудлигига асосланган.

Фуқаролик кодексининг 386-моддаси 1, 4-қисмига кўра, олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса, бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автомобилотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги 38-сон қарорига илова қилинган "Автомобилотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низом билан автомобилотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби белгиланган.

Унга кўра, автомобилотранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар нотариуслар томонидан нотариал тартибда тасдиқланиши керак.

Мазкур Низомнинг 8-бандига кўра, автомобилотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни нотариал тартибда тасдиқлаш фақат қатъий ҳисобда турадиган, ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга бўлган гербли (махсус) бланкаларда амалга оширилади.

Гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бе-

риш тартиби Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Шунингдек, Адлия вазирининг 2010 йил 30 мартдаги 64-мх-сонли бўйруғи билан тасдиқланган "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Йўриқноманин 103-бандига кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги 38-сонли қарори билан тасдиқланган "Автомобилотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ автомобилотранспорт воситалари билан боғлиқ олди-сотди, айирбошлаш, ҳада қилиш, рента, ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга қўйиш, лизинг шартномаларини нотариуслар томонидан нотариал тартибда тасдиқлаш фақат қатъий ҳисобда турадиган, ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга бўлган, "Давлат белгиси" ДИЧБда тайёрланадиган гербли (махсус) бланкаларда амалга оширилади. Бунда бошқа шахсга бериш бўйича битимнинг биринчи нусхаси гербли (махсус) бланкада расмийлаштирилади.

Аниқланишича, А.Мусаевнинг ўзи томонидан гувоҳлар С.Акрамов, М.Тўраев, Б.Мамадиёровлар иштирокида 2013 йил 21 августда ёзилган тилхатда ўзига тегишли бўлган 2013 йилда ишлаб чиқарилган "Матиз" русумли автомашинасини сотганлиги, пулини тўлиқ олганлиги ва шу автомашинани олган шахс истаган вақтида номига ўтказиши кўрсатилган.

Даъвогар Б.Ҳасанов судга низоли автомашинани А.Мусаевнинг уйдан 2013 йил 21 августда гувоҳлар ва хотини иштирокида 9 000 АҚШ долларига келишган нарҳда сотиб олганлигини асос қилиб, битимни ҳақиқий деб топиш ҳақида даъво аризаси билан музоааат қилган.

Биринчи инстанция суди тарафлар ўртасида автомашинани олди-сотдиси бўйича ёзма тилхат мавжудлигини инобатга олиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автомобилотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаси нотариал тартибда тасдиқланишига эътибор қаратмасдан, низога моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаб, даъвогар Б.Ҳасановнинг даъво талабини қаноатлантириш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Вилоят суди апелляция инстанцияси ҳам суд томонидан ишни кўришда йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф қилиш ўрнига суд қарорини ўзгартирилган.

6-475-16 -сонли ажрим

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

Дастлабки тергов тўлиқ ўтказилмаган бўлиб, уни суд мажлисида тўлдиришни имкони бўлмаганлиги сабабли жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун қайтарилди.

Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2016 йил 19 январдаги ҳукмига кўра, В. Жиноят кодексининг 228-моддаси 2-қисми "б" банди ва 228-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топилиб, 2015 йил 3 декабрдаги амнистия актига асосан Жиноят процессуал кодексининг 463-моддаси 3-қисми 1-бандига асосан жазодан озод қилинган.

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди апелляция инстанциясининг 2016 йил 25 февралдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, В. "Навоийпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмасида бўлим бошлиғи вазифасида ишлаб келиб, дастлабки терговда аниқлашни имкони бўлмаган номаълум шахс билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2012 йилнинг 19 октябридан 21 октябрига қадар Тошкент шаҳридаги "SAYONAT-SARI" меҳмонхонасининг 201-хонасида яшаганлиги тўғрисидаги 2012 йил 19 октябрдаги 007970-сонли сохта қвитанцияни "Навоийпахтасаноат" ХАБ ҳисобхонасига хизмат сафари ҳисоботи билан бирга тақдим этиб, мазкур сохта маълумот асосида 70.000 сўм олганликда айбдор деб топилган.

Жиноят-процессуал кодексининг 463-моддаси 1-қисмида, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбдор эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материал-

ларида маълум бўлиб қолган барча камчиликларни бартараф этиш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг "Суд ҳукми тўғрисида"ги 2014 йил 23 майдаги 7-сонли қарори олтинчи бандида, ишда тўпланган далилларнинг етарли эмаслиги, далиллар қонунга зид равишда олинганлиги сабабли улар далил ҳисобланмаслиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг тўлиқ айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асослантирилган хулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлиши, агар шахснинг айбдорлиги ҳақидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони бўлса, суд уни бартараф этиш чораларни кўриши, агар Жиноят процессуал кодексининг 419-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, ишни қўшимча тергов юритиш учун қайтариши;

йигирманчи бандида, Жиноят процессуал кодексининг 467-моддасига мувофиқ, агар жиноят олдиндан тил бириктирилган ҳолда бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса, айблов ҳукмининг тавсиф қисмида ҳар бир жиноят иштирокчиси томонидан айнан қандай жинойи ҳаракатлар содир этилганлиги аниқ кўрсатилиши ва ҳар бир судланувчининг роли конкретлаштирилган ҳолда баён қилиниши лозимлиги;

йигирма биринчи бандида, айблов ҳукмининг тавсиф қисмида, судланувчининг ўзини ҳимоя қилиш учун келтирилган важларига баҳо берилиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Иш бўйича қайд этилган қонун талаблари ҳамда Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

В. дастлабки терговда ва судда айбига иқрорлик билдирмасдан, бирлашманинг буйруғига асосан 2012 йил 19-

20 октябрь кунлари ҳам Тошкент шаҳрига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасига боргани ва "SAYONAT-SARI" меҳмонхонасида тунаб қолгани, икки кун учун меҳмонхона хазинасига 70.000 сўм нақд пул тўлаб, квитанция олгани ва ушбу квитанцияни хизмат сафари ҳужжатларига илова қилиб, бирлашма ҳисобхонасига топширгани, меҳмонхона ходимлари ёки бошқа шахслар билан квитанцияни қалбакилаштирмагани ҳақида кўрсатув берган.

Дастлабки тергов органи ва суд В.нинг ушбу вазирларнинг тўлиқ текширмаган, улар қайси ишончли ва мақбул далиллар билан рад этилишини асослантirmagan.

Тергов органи В.га ҳужжатларни бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб содир этган деган айб эълон қилган бир вазиятда, ушбу шахсларни аниқлаш чорасини кўрмаган ва ишнинг мазкур шахсларга оид қисми юзасидан бирор-бир (ишнинг бир қисмини алоҳида иш юритувга ажратиш ёки ишнинг шу қисмини тугатиш ҳақида) қарор қабул қилмаган.

Бундан ташқари бирлашма ҳисобхонасига тақдим қилинган 2012 йил 19 октябрдаги 007970-сонли квитанцияда Тошкент шаҳридаги "SAYONAT-SARI" меҳмонхонасининг муҳри ва штамп ҳамда меҳмонхона масъул ходимининг имзоси мавжуд бўлса-да, тергов органи иш ҳолатларини тўла аниқлаш мақсадида ушбу меҳмонхонанинг масъул ходимларини сўроқ қилиш орқали 2012 йил 19-20 октябрь кунлари меҳмонхонанинг 201-хонасида ким яшаганлигини, 007970-сонли квитанция ким томонидан берилганлиги ва имзоланганлигини, шунингдек, судга оид хатшунослик экспертизаси ўтказиш йўли билан квитанциядаги муҳр ва штамп меҳмонхонага тегишли ёки тегишли эмаслигини аниқлаш ўрнига фақатгина меҳмонхона директорининг ўринбосари Э. томонидан имзоланиб, факс орқали тергов органига тақдим қилинган 2015 йил 12 августдаги 56-сонли маълумот-

номага асосланиб, В.га айб эълон қилган.

Ушбу ҳолатлар биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг эътиборидан четда қолган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2016 йил 7 июльдаги ажрими билан В.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун қайтарилди.

5-710-16-сонли назорат иши

Апелляция инстанцияси ўз ваколатларидан тўлиқ фойдаланмагани учун жиноят иши янгидан шу инстанцияда кўриш учун юборилди.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг 2013 йил 29 июндаги ҳукмига кўра, И. Жиноят кодексининг 25,97-моддаси 2-қисми "г", "л", "р" бандлари билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланиб 10 йил, 277-моддаси 2-қисми "б" банди билан 2 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 10 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди апелляция инстанциясининг 2015 йил 11 августдаги ажрими билан ҳукмининг И.га оид қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, И. қуйидаги ҳолатларда жиноятлар содир этганликда айбли деб топилган.

Хусусан, И. 2015 йил 1 февраль соат 19³⁰ ларда ўзи ёлланма ишчи бўлиб ишлаётган якка тартибдаги тадбиркор М.га қарашли кунгабоқар маҳсулотларини қуритиш цехи қозонига табиий газ келмай қолгани сабабли газ тақсимлагичдан хабар олиш мақсадида ишчилар Ю. ва А. билан бирга ташқарига чиқиб, шу маҳаллада яшовчи (суднинг 2015 йил 8 июндаги ажрими билан жиноят ишининг унга оид қисми Жиноят процессуал кодексининг 84-моддаси 1-қисми 3-бандига асосан вафот этганлиги муносабати билан тугатилган) Б.ни табиий газ тақсимлагич-

нинг жўмрагини беркитиб қўйганини кўриб, у билан ўзаро жанжаллашиб, Ю. билан бир гуруҳ бўлиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан Б.ни уриб-дўппослаётган пайтда М. уларни ажратиб, Б.ни уйига жўнатиб юборган.

Орадан 10 дақиқа ўтиб, Б. И. ва Ю.дан қасд олиш мақсадида шу иш бўйича судланган О. ва Э. билан цехга келиб, И., Ю. ва вояга етмаган М.ни дўппослаётган пайтда И. безорилик оқибатида Э.ни қасддан ўлдириш мақсадида чап қўлининг қўлтиқ ости 10-11 қовурғалари оралиғига бир марта пичоқ урган. Э. ўзини четга олганидан сўнг И. Б.га пичоқ билан ҳамла қилиб, "сўяман" дея таҳдид қилаётганида, О. уларни ажратишга ҳаракат қилган. И. эса жиноий ҳаракатларини давом эттириб, О.нинг ўнг қўли кафтига пичоқ билан жароҳат етказиб, қасддан ўлдириш мақсадида ортидан қувлаган.

Шунда М. жанжалга араллашиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан Б. ва безорилик ҳаракатининг олдини олмоқчи бўлган Э.ни уриб-дўппослаб, уларга қасддан тан жароҳати етказиб, И.нинг ҳаракатларига халақит берганлиги сабабли И. ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, Б. ва Э.ни қасддан ўлдиришга қаратилган жиноятини охирига етказа олмай, тақроран қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилган.

Жиноят процессуал кодексининг 482-моддасида, апелляция инстанцияси суди шикоят (протест)да баён этилган вазлар билангина чегараланмасдан, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини тўла ҳажмда текширишга мажбур эканлиги назарда тутилган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарори 19-бандида, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни тўлдириши, ишда мавжуд бўлган ноа-

ниқлик ва қарама-қаршиликларни бар-тараф қилиш чораларини кўриши шартлиги белгиланган.

Бироқ апелляция инстанцияси суди қайд этилган қонун талаби ҳамда Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя қилмаган.

И. дастлабки тергов ва судда, Б. билан табиий газ тақсимлагични беркитиб қўйгани борасида гап таллашиб қолишганида Б. унга тарсаки туширгани, у ҳам Б.ни итариб юборгани, бироздан сўнг Б. ўзи билан Э., О. ва бошқаларни бошлаб келиб, у билан Ю.ни уриб кетишгани, у ўзини йўқотиб қўйгани, ҳеч кимни ўлдириш нияти бўлмагани ҳақида;

О. дастлабки тергов ва судда, И. унинг қўлини пичоқ билан кесиб юборгани, бироқ ўлдираман деб ортидан қувмагани ҳақида;

Э. судда, унга ким пичоқ урганни билмаслиги, терговчини гапига кириб, И. унга пичоқ урган деб ёзиб бергани, агар шундай кўрсатма бермаса, барча айблар унинг бўйнига тушиши билан қўрқитишгани ҳақида;

М. судда, укаси У. ва Й. билан цехга борганида цех ичида 3-4 нафар унга нотаниш шахслар И. ни уриб-дўппослаётганини кўриб, И.ни ажратиб олганликлари ҳақида;

У. ва Й. судда, М.нинг кўрсатувиغا ўхшаш мазмунда;

Б.нинг қонуний вакили Х. судда, ўғли Б. буғдой ўрими мавсумида комбайнга кириб кетиб, 2015 йил 22 майда касалхонада вафот этгани, ўлимидан олдин ўғли табиий газ тақсимлагични беркитиб қўйгани борасида И. ва Ю. билан гап таллашиб уришганини, сўнгра Э. ва О.ни цехга бошлаб бориб, жанжални давом эттиришганини, Э. ва О.ни пичоқдан жароҳат олганликларини кейин эшитганини, И. ва бошқаларга даъвоси йўқлигини айтиб, уларга енгиллик беришни сўрашини ундан илтимос қилгани ҳақида кўрсатувлар беришган.

Шундай ҳолатда суд Олий суд Пленумининг 2004 йил 4 сентябрдаги "Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйи-

ча суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 3-4 бандлари тушунтиришларига риоя қилмай, И.нинг икки нафар шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш мақсади бор-йўқлигини, ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаб, жабрланувчиларнинг ўлимига кўзи етиб, уларнинг ўлимини истаган-истамаганлигини аниқламай туриб, унинг ҳаракатларини Жиноят процессуал кодексининг 25,97-моддаси 2-қисми "г", "л", "р" бандлари билан квалификация қилиб, барвақт ҳулосага келган.

Бундан ташқари суд мажлиси баён-номасида раислик қилувчининг саволига Э., И. унга пичоқ урганини тергов даврида билгани, прокурор саволига эса унга ким пичоқ урганини билмаслиги, терговчининг гапига кириб, И. пичоқ урган деб ёзиб бергани, агар шундай кўрсатув бермаса, барча айблар унинг бўйнига тушиши билан қўрқитишгани, раислик қилувчининг саволига О., воқеа куни И. бирон-бир кишини ўлдираман деб бақирганини эшитмагани ҳақида кўрсатувлар беришгани қайд этилган бўлса-да, ҳеч бир асоссиз равишда ҳукмнинг асослантириш қисмида уларнинг кўрсатувлари ўзгартирилиб:

Э. судда, И. билан Б. жанжаллашаётганини кўриб, уларни ажратиш учун борганида И. унинг 10-11 қовурғалари орасига бир марта пичоқ уриб, жароҳат етказгани ҳақида;

О. судда, И. акаси Б.га пичоқ уришга ҳаракат қилаётганида уларни ажратмоқчи бўлгани, шунда И. кўлига пичоқ билан жароҳат етказгани, қочмоқчи бўлганида ортидан ўлдираман деб қувгани ҳақида кўрсатувлар беришгани акс эттирилган.

Апелляция инстанцияси суди эса, ушбу ҳолатга аниқлик киритиш чораларини кўрмай туриб, ҳукмнинг асослантириш қисмида қайд этилган Э. ва О.нинг кўрсатувларини асос қилиб, ҳукми ўз кучида қолдириб, қўпол хатоликка йўл қўйган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2015 йил 24 декабрдаги ажрими билан И.га нисба-

тан чиқарилган Наманган вилоят суди апелляция инстанциясининг 2015 йил 11 августдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан шу инстанцияда кўриш учун юборилди.

5-712-15-сонли назорат иши

Ишни кўришда моддий ҳуқуқ нормаси ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмагани учун суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судининг 2013 йил 14 октябрдаги ҳукмига кўра, Ф. Жиноят кодексининг 25, 97-моддаси 2-қисми "ж" банди билан 15 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди апелляция инстанциясининг 2013 йил 5 декабрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ф. 2013 йил 29 май куни соат 12.30 ларда маст ҳолатда, уйида ўғли Ш. билан жанжаллашиб, хотини Х.нинг кўз ўнгида ошхона пичоғи билан Ш.нинг кўкрак ва қорин қисмига икки марта уриб, Х.нинг аралашуви ва Ш.нинг фаол қаршилиқ кўрсатиб, ундан қочиб кетиши натижасида қасддан одам ўлдиришга қаратилган жиноий ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказа олмаган.

Жиноят кодексининг 22-моддаси талабига кўра, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори ўн иккинчи банди тушунтиришларига мувофиқ, агар

айбдор қотиллик жараёнида ўз ҳаракатлари билан жабрланувчининг яқин қариндошларига кучли изтироб бераётганлигини англаган бўлса, айбдор томонидан ўта шафқатсизлик намоён этилганлигидан далолат берувчи ҳолат сифатида баҳоланмоғи лозим.

Қонун ўта шафқатсизлик тушунчасини одам ўлдириш усули билангина эмас, балки айбдор томонидан ўта шафқатсизлик намоён этилганлигидан далолат берувчи бошқа ҳолатлар билан ҳам боғлайди.

Бироқ иш бўйича қайд этилган қонун талаби ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Иш материалларидан кўринишича, воқеа куни Ш. отаси Ф. билан жанжаллашиб, унинг бошига боши билан ургач, Ф.нинг жаҳли чиқиб, турмуш ўртоғи Х.нинг кўз ўнгида Ш.нинг қорин ва кўкрак қисмига икки марта пичоқ урган.

Ф. судда, айбига қисман иқрорлик билдириб, 2013 йил 29 май куни ўғли Ш. пул тикиб, қимор ўйнаётганини эшитгач, жаҳл устида турмуш ўртоғи Х.га ўғлини топса, нима қилишини ўзи билишини айтиб, ўғлини ахтариб кўчага чиқиб, спиртли ичимлик истеъмол қилгани, кейин Ш.ни топиб, уйига олиб келиб, қимор ўйнаб, саёқ юрганини айтиб койиганида, иккаласи жанжаллашиб қолишгани, Ш. унинг пешонасига боши билан урганидан жаҳли чиқиб, Ш.нинг қорин қисмига бир марта пичоқ ургани, шу орада Х. уларни ажратиш учун югуриб келгани, иккинчи марта қандай ҳолатда Ш.нинг танасини қайси қисмига пичоқ урганини эслай олмаслиги, Ш.ни ўлдириш нияти бўлмагани, фақат қимор ўйнамаслиги учун қўрқитиб қўймоқчи бўлгани ҳақида кўрсатув берган.

Ш. судда, 2013 йил 28 май куни танишлари билан балиқ овига бориб, 29 май куни эрталаб уйига қайтиб келганлигида кўчада отасини учратиб, бирга уйга келишгани, ҳовлига кириши билан отаси уни ҳақорат қилиб, урмоқчи бўлгани, у ўзини ҳимоя қилиб, отасининг иккала қўлини билакларидан

ушлаб, шу ҳолатда иккаласи молхона томонга тортишиб боришгани, у билан бирга келган Я. уларни ажратиш учун яқинлашган вақтда отасини бошига калла уриб, Я.га нарироққа кетишини ишора қилаётганида отаси унинг кўкрак ва қорин қисмига икки марта пичоқ ургани, у "онажон ўламан" деб бақариб, молхона томонга қочгани, шу пайтда онаси уларни олдига келгани ҳақида кўрсатув берган.

Я. дастлабки терговда, воқеа куни Ш. отаси Ф. билан тортишиб қолиб, унинг юзига боши билан бир-икки марта урганида, Ф. ўғли Ш.нинг қорнига пичоқ тикиб, кўчага қочиб кетгани ҳақида кўрсатув берган.

Х. судда, воқеа куни Ф. ўғли Ш. билан жанжаллашиб, Ш.нинг қорнига икки марта пичоқ тикиб олгани, бироқ Ф. жанжал давомида ўғлини ўлдираман деб айтмагани ҳақида кўрсатув берган.

Шундай ҳолатда суд, Ф. тартибга чақирган ўғли Ш. уни урганидан жаҳли чиқиб, Ш.га пичоқ урганлигини, бу ҳолат жиноий ҳодисанинг бевосита гувоҳи бўлган иштирокчиларнинг юқорида қайд этилган кўрсатувлари билан тасдиқланганлиги эътибордан четга қолдириб, бу ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бермаган.

Жиноят ишида Ф. ўғли Ш.га пичоқ ураётган вақтда Х.га кучли изтироб берганлигини англаганлигини тасдиқловчи далиллар тўпланмаган.

Апелляция инстанцияси ҳам қайд этилган ҳолатларни эътибордан четда қолдирган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2016 йил 21 июлдаги ажрими билан Ф.га нисбатан чиқарилган Навоий вилоят судининг 2013 йил 14 октябрдаги ҳукми ҳамда шу суд апелляция инстанциясининг 2013 йил 5 декабрдаги ажрими ўзгартирилиб, Ф.нинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 25,97-моддаси 2-қисми "ж" бандидан шу кодекснинг 25, 97-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиниб, унга 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

5-595-16-сонли назорат иши

О совершенствовании института судебного контроля над предварительным расследованием

Умида ТУХТАШЕВА,
кандидат юридических наук, доцент

В обеспечении прав и свобод граждан, вовлеченных в орбиту уголовного процесса, особую роль играет судебный контроль.

И в последнее время, по мере своего развития, институт судебного контроля становится действенным механизмом правовой защиты прав и свобод граждан, вовлеченных в сферу уголовного судопроизводства.

Необходимо отметить, что правовой основой становления и развития судебного контроля в уголовном судопроизводстве, в т.ч. и за предварительным расследованием, являются нормы Конституции Узбекистана и международные договоры, ратифицированные нашей республикой.

Так, статья 10 Всеобщей декларации прав человека закрепляет, что "каждый человек, для определения его прав и обязанностей ... имеет право... на то, чтобы его дело было рассмотрено гласно и с соблюдением всех требований справедливости независимым и беспристрастным судом".

Статья 9 Всеобщей декларации прав человека также закрепляет, что "никто не может быть подвергнут произвольному аресту, задержанию или изгнанию".

Статья 9 Международного пакта о гражданских и политических правах регламентирует, что "Каждое арестованное или задержанное по уголовному обвинению лицо в срочном порядке доставляет-

ся к судье или к другому должностному лицу, которому принадлежит по закону право осуществлять судебную власть, и имеет право на судебное разбирательство в течение разумного срока или на освобождение".

В свою очередь, Конституция Республики Узбекистан закрепляет, что права и свободы граждан, закрепленные в Основном законе и законах, являются незыблемыми, и никто не вправе без суда лишиться или ограничить их. Каждому гарантируется судебная защита его прав и свобод, право обжалования в суд незаконных действий государственных органов, должностных лиц, общественных объединений.

Исторический экскурс позволяет обозначить этапы и временные периоды становления и развития судебного контроля за предварительным расследованием в уголовном судопроизводстве.

Этап 1 — 2005-2007 годы. Основой для становления и развития данного института послужили задачи, обозначенные Главой государства в 2005 году, в которых указывалась необходимость по повышению авторитета суда и передачи некоторых полномочий от прокуратуры судам.¹ В частности, это касалось введения судебного порядка применения меры пресечения в виде заключения под стражу. Тем самым было положено начало внедрению элементов института "Хабеас корпус" в национальное законодательство с учетом особенностей правовой системы Узбекистана.

Принятый в 2007 году Закон Республики Узбекистан "О

внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с передачей судам права выдачи санкции на заключение под стражу", не только предусмотрел судебный порядок и обжалования в суде вопросов применения указанной меры пресечения, но и позволил сделать важный шаг к реальному обеспечению конституционных прав граждан на свободу и личную неприкосновенность, о которых мы говорили выше. Установление судебного порядка санкционирования заключения под стражу и продления его срока возлагает большую ответственность на судей по выявлению и установлению на ранних стадиях судопроизводства следственных ошибок, что позволяет обеспечить эффективную защиту прав и законных интересов человека, оказавшегося в центре внимания правоохранительных органов.

Необходимо отметить, что передача судам права выдачи санкции на заключение под стражу в Узбекистане показывает последовательность имплементации в национальное законодательство норм Всеобщей декларации прав человека, Международного пакта о гражданских и политических правах, а также других общепризнанных принципов и норм международного права.

